



ТОТУВЛИГИМИЗ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганига 18 йил тўлди.

Миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик дунё ҳамжамияти олдидаги муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1948 йили эълон қилган Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги баёотнинг 7-бандида: "Барча инсонлар қонун олдида тенг ва ҳеч қандай ажратишларсиз бирдек қонун ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эгадир", деб белгилаб қўйилган. Бу кўрсатма ҳамма давлатларга ва ҳамма халқларга тегишли. Чунки дунёда ҳеч қайси мамлакат халқи бир миллатдан ташкил топмаган.

Ўзбекистонда бир юз ўттиздан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари қонун билан ҳимояланган. Конституциямизнинг 8-моддасида: "Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади", дейилган. Асосий Қонунимизнинг иккинчи бўлим бешинчи боб 18-моддасига кўра, "Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар".

"Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонуннинг 5-моддасида: "Ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларга нисбатан бирон бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмайди", дейилган. Бунинг исботи учун биргина мисол: юртимиз аҳолисининг асосий қисмини Исломи динига эътиқод қилувчилар, яъни, мусулмонлар ташкил этади. Лекин давлатимизда барча динларга бир хил кўз билан қаралади. Бош-қа диндагиларнинг ибодатларини бажаришлари ёки диний маросимларини ўтказишларига қаршилик кўрсатилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 156-моддасида фуқаролар ўртасида миллий, ирқий ва диний адоват кўзғатишга уринувчилар жазога тортилиши таъкидланган. Юртимизда бирор миллат ва элатнинг маданияти, эътиқоди, ҳурмати топталишига ёки бир миллатнинг иккинчи миллат устидан ҳукмронлик қилишига йўл қўйилмайди. Асосий Қонунимизнинг 57-моддасида: "Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адо-

ватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига таъжовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади", дейилган.

Асрлар давомида юртимизда турли хил миллат ва элатлар тинч-тотув яшаб келишмоқда. Жамиятимизда ўзаро ҳамжиҳатлик туйғуси шаклланган. Қарийб уч минг йилдан бери турли динлар вакиллари ушбу заминда ўз эътиқодларига амал қилиб, қўни-қўшни бўлиб тинч-тотув яшашади.

Юртбошимиз маърузаларидан бирида таъкидлаганларидек: "Халқимизнинг бутун тарихи давомида ҳеч қандай диний низо, одамларни миллати ва диний мансублигига қараб айириш ҳоллари бўлмаган ва бунга биз ҳеч қачон йўл қўймаймиз".*

Исломи динимиз кўрсатмаларида ҳам инсонларнинг миллати, ирқига қараб ажратиш қораланади:

"Эй инсонлар! Дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Хавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишларингиз учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила (элат)лар қилиб қўйдик. Албатта, Аллоҳ наздида муқаррамроғингиз тақводорингиздир. Албатта, Аллоҳ билувчи ва хабардор зотдир" (Ҳужурот, 13).

Яъни, инсонлар Аллоҳ таолонинг ҳузурига фақатгина уларнинг Аллоҳдан қўрқишлари, яхши амалларни кўпроқ бажаришлари билангина бир-бирларидан фарқланишади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкин, Ўзбекистонда миллатлараро тинч-тотувлик, турли дин вакиллари ўртасида яхши муносабатлар, бағрикенглик ҳукм сураётгани республика раҳбариятининг оқилона сиёсати натижасидир. Бу ҳол Асосий Қонунимиз инсонпарварлик, адолат тамойиллари асосида ишлаб чиқилганини исботлайди.

Ҳайдархон ЙЎЛДОШХЎЖАЕВ,

Имом Бухорий номидаги Тошкент Исломи институтининг ректори

*Исломи Каримов. "Ватан равнаки учун ҳар биримиз масъулмиз", 127-бет.



ИНОҚ БЎЛИНГЛАР

... يُرِيدُ اللَّهُ بِكُمْ الْيُسْرَ وَلَا يُرِيدُ بِكُمْ الْعُسْرَ ...

«Аллоҳ сизларга енгилликни истайди, қийинчиликни истамайди...» (Бақара, 185).

... هُوَ أَجْتَبَنَكُمْ وَمَا جَعَلَ عَلَيْكُمْ فِي الدِّينِ مِنْ حَرَجٍ ...

«У (Аллоҳ) сизларни танлади ва бу динда сизларга қийинчилик қилмади...» (Ҳаж, 78).

... مَا يُرِيدُ اللَّهُ لِيَجْعَلَ عَلَيْكُمْ مِنْ حَرَجٍ ...

«...Аллоҳ сизларга қийин қилишни истамайди» (Моида, 6).

فِيمَا رَحْمَةٍ مِنَ اللَّهِ لِنْتَ لَهُمْ وَلَوْ كُنْتَ فَظًّا

غَلِيظًا لَأَلْقَبُ لَانَفُسُهُمْ مِنْ حَوْلِكَ

فَأَعْفُ عَنْهُمْ وَأَسْتَغْفِرْ لَهُمْ وَشَاوِرْهُمْ فِي الْأَمْرِ ...

"(Эй Муҳаммад) Аллоҳ таолонинг раҳмати билан уларга мулойим бўлдингиз. Агар кўпол, қалби қаттиқ бўлганингизда атрофингиздан тарқалиб кетишар эди. Уларни кечиринг, гуноҳлари кечирилишини сўранг, (вахий келмаган) ишларда улар билан маслаҳатлашинг!.. (Оли-Имрон, 159).

* * *

Абу Мусодан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уни ва Муозни Яманга юбораётиб, уларга бундай дедилар:

"Енгиллаштиринглар, қийинлаштирманглар. Севинтиринглар, бездирманглар. Иноқ бўлинглар, бир-бирларингга қарши бўлманглар" (Имом Муслим).

«HIDOYAT»

Ойлик диний-маърифий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФҲОН

Таҳрир хайъати

Усмонхон АЛИМОВ
Абдулазиз МАНСУР
Абдураззоқ ЮНУС
Ортиқбек ЮСУПОВ
Анвар ТУРСУН
Аҳад ҲАСАНОВ
Зоҳиджон ИСЛОМОВ
Абдулхамид ТУРСУН
Ҳайдархон ЙЎЛДОШХЎҲАЕВ
Баҳодир КАРИМОВ
Эркин МАЛИК
Муҳаммад Шариф ЖУМАН
Исомиддин ОЛИМОВ
Абдул Жалил ХЎЖАМ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Аҳмад МУҲАММАД

Муқова

«Voris Design» маркази билан
хамкорликда тайёрланди.

Бадиий муҳаррир
Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли

Саҳифаловчи
Баҳром ИКРОМОВ

Маттни
Раҳима КАРИМЖОН қизи
терди.

Манзилимиз:

100069 Тошкент шаҳри
Зарқайнар 18-берк кўча 47а-уй;
Тел: 240-45-62, 240-05-19, 227-34-30.
Интернет сайтимиз: www.hidoyat.uz
Интернет почтаимиз: hidoyat_jurnali@mail.ru
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигида рўйхатга олинган.
Гувоҳнома рақами 0177.

Босишга 2010 йил 17 декабрда рухсат берилди.
Босмаҳонага 2010 йил 22 декабрда топширилди.
Қоғоз бичими 60x84^{1/8}. Адади 36400 нусха.
1363-сон буюртма. «Shaq» нашриёт-матбаа
аксиядорлик компаниясида босилди.

Кўлэмалар қайтарилмайд.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ
қилиши мумкин. Келтирилган иқтибос
ва рақамлар учун муаллиф масъул.

Хат юборилганида исмлар тўлиқ, манзил аниқ ёзилсин.
Мақолалар кўчириб босилса ёки иқтибос олинса, «Ҳидоят»-
дан олингани кўрсатилиши шарт.



МУНДАРИЖА

Муносабат	
Хайдархон ЙЎЛДОШХЎЖАЕВ	
Тотувлигимиз кафолати	1
Илм масканларида	5
Билимдон кизлар синовии	
Баркамол авлод йили	
Убайдулла УВАТОВ	
Имом Бухорий халқаро маркази	6
Фозилжон УБАЙДУЛЛАЕВ	
Яхши дарс – яхши асар	7
Жасурбек РАУПОВ	
Ғояга қарши ғоя билан	7
Бугуннинг гапи	
Абдулазиз МАНСУР	
Таквим нашрдан чиқди	8
Яхшиликка чақирини	
Абдураззоқ ЮНУС	
Саодат кўргони	9
Мазҳабимизни ўрганамиз	
Ўролбек МУСТАНОВ	
Имом Ҳасан ибн Мансур	12
Муносабат	
Абдулахад ТОЖИБОЕВ	
Ватан танланмайди	13
Аёллар саҳифаси	
Умида ВАҒОҚУЛОВА	
Она саломат бўлса	14
Зайнаб НОСИРОВА	
Меҳрини аямас	15
Кизлар мусобақаси	15
Олисларга саёҳат	
Комор Ороллари Федератив Республикаси	16
Тарих	
Мансурхон ОЛТИН ўғли	
Соҳибқироннинг маънавий салоҳияти	18
Муносабат	
Шаҳобиддин ПАРПИЕВ	
Кудратли омил	19
Ҳаж таассуротлари	
Зухра ҒАҒУРОВА	
Ҳаж бизга таълим берди	22
Кумринисо АБДУВАЛИЕВА	
Қалблар фахрга тўлди	22
Ақида	
Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ	
Оқни қорадан ажратайлик	23
Абдулхамид ТУРСУНОВ	
Эътиқод мусавфоллиги йўлида	23
Шеърят	
Абдусайд НУРБОЕВ	
Она юрт соғинчи, меҳрини туйдим	24
Салим РИХСИЕВ	
Излайди	24
Имомларимиз ижоди	
Шермурод ДҮНГБОЕВ	
Ким сукутни дўст билса	25
Ўлкамизни ўрганамиз	
Суюндик МУСТАҒО	
Пайғамбарлар номи билан аталган жойлар	26
Масала	
Бир савол сўрасам	27
Мулоҳаза	
Ғайрат ЎЗБЕКОВ	
Она табиатни асрайлик	28
Тарбия	
Қўлингдан келмаса, уринма	29
Раҳима ШОМАНСУРОВА	
Болаларим туфайли	29
Тарих	
Оқилжон Каримжон ўғли ЖАББОРОВ	
Умар Камолидиннинг Хитойдаги фаолияти	30
Мишқа	
Александр БАХМУТОВ	
Мохша – Пенза мусулмонлари фахри	32

Ҳидоят 2010 12 Муқовада: “Тўдақўл” (1-бет), “Қушлар гурунги” (4-бет). Абдуғани Жумаев суратга олган.

Тафсири

ЭЗГУ АМАЛЛАР МУКОФОТИ

4

Убода ибн Сомитдан (розийаллоху анху) ривоят қилинади: Набий (соллаллоху алайҳи ва саллам) бундай деганлар: “Жаннатда юзта даража бор. Ҳар икки даражанинг ўртаси Ер билан осмончадир. Фирдавс уларнинг энг юқорисида. Агар Аллоҳдан жаннатни сўрасанглар, Фирдавсни сўранглар” (Имом Бухорий, “Саҳиҳ”, 2790).

Саҳобалар ҳаёти

Абдурахмон РАЪФАТ ПОШО

АМР ИБН ОСС

Жобирдан (розийаллоху анху): «Расулulloҳнинг (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Ё Аллоҳ, Амр ибн Оссни мағфират қил”, дея уч марта айта туриб, “Мен уни садақа келтиришга чақирсам, олиб келар эди”, деганларини эшитганман» (Ибн Адий келтирган ривоят).

10

Хабарлар

ИСЛОМ ВА ОЛАМ

Мақка ва Мадина тўлқинларида

Саудия Арабистони ҳукумати икки муқаддас масжиддан узатиладиган радиоэшиттиришлар ҳажмини кенгайтириш ҳақидаги режаларини маълум қилди. Бу хабарга кўра, икки муқаддас масжид ходими қирол Абдуллоҳ ибн Абдул Азиз эшиттиришлар ҳажмини кунига 12 соатга етказишни буюрган.

21

Ҳадис шарҳи

ҚУРЪОННИ ТЎҒРИ ЎҚИШ

“Наср” сурасидаги “насруллоҳ” калимаси Аллоҳнинг ёрдами маъносида. Агар ундаги “сод” ҳарфини “син” қилиб ўқилса, бургут маъносини билдиради. Ёки “ҳоликун” яратувчи маъносида, уни биз “ҳоликун”, деб ўқисак, сўзнинг маъноси сартарош дегани бўлади. Бундай хатолар сабаб ўқилган оят маъноси ўзгарса, намоз бузилиши ёки тоат-ибодатлар нуқсонли бўлиб қолиши мумкин.

31



مَنْ عَمِلَ سَيِّئَةً فَلَا يُحْزَىٰ إِلَّا مِنَّمَهَا وَمَنْ عَمِلَ
صَالِحًا مِّنْ ذَكَرٍ أَوْ أَنشَأَ وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَأُولَٰئِكَ
يَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ يُرْزَقُونَ فِيهَا بِغَيْرِ حِسَابٍ

"Ким бирор ёмонлик қилса, унга (охиратда ўша ёмонлиги) баробаридагина жазо берилур. Ким – у эркакми ё аёл – мўмин ҳолида бирор яхшилик қилса, ана ўшалар жаннатга киради. Унда уларга ҳисобсиз ризқ берилади" (Ғофир, 40).

ЭЗГУ АМАЛЛАР МУКОФОТИ

Аллоҳ таоло ёмон амаллар қилган кишиларга фақат шу қилган ишлари миқдорича жазо беради. Аммо эзгу ишлар қилган инсонларга охиратда, уларнинг яхшиликларидан бир неча баробар ошириб мукофот беради. Ёмонликка яраша жазо, яхшиликка ортиғи билан мукофот бериш Аллоҳ таолонинг бандаларига меҳрибонлигидандир. Ушбу ояти карима мўътазийлиларнинг гуноҳи кабира қилган инсон дўзахда абадий қолади, деган ақидаси хатолигига далилдир.

"Ким – у эркакми ё аёл – мўминлик ҳолида бирор яхшилик қилса, ана ўшалар жаннатга киради". Бу маъноли оят яхши амаллар имон билангина фойдали ва мукофотланишга лойиқ эканини англатади.

Каҳф сураси 107-108-оятларида бундай марҳамат қилинади:

"Албатта, имон келтирган ва эзгу ишларини қилган зотлар учун Фирдавс жаннати манзил бўлур. (Улар) у жойларда мангу қолиб, ундан (бошқа жойга) кўчишни истамаслар".

Қуръони каримда жаннат Наъим, Маъво, Адн, Фирдавс номлари билан аталган. Саж-

да сураси 19-оятда "уларга маъво жаннати бор", дейилган. "Маъво" сўзи "қайтиладиган жой" маъносини билдиради. Луқмон сурасида: "уларга наъим жаннати бор", деб марҳамат қилинган. "Наъим" – "хузур-ҳаловат", "неъмат" деган маъноларни англатади. Каҳф сураси 13-оятда "уларга адн жаннати бор" дейилади. "Адн" сўзи "абадий қолиш жойи" деган маънони билдиради. Фирдавс жаннати деб номланишига сабаб унинг дарахтлар билан ўралгандир.

"...(улар) у жойларда мангу қолиб, ундан (бошқа жойга) кўчишни истамаслар".

Яъни, жойларини ўзгартиришни истамаслар. Ушбу оятда ўткинчи дунёда баъзиларнинг неъматлардан бешиши ё зерикшига ўхшаб, жаннат аҳли унинг неъматларидан асло безмаслиги ва зерикмаслиги айтиляпти. Чунки бу дунёда киши бир нарсадан зерикса, кўнгли бошқасини хоҳлаб қолади.

Ривоят қилинишича, Ибн Аббосдан (розийаллоҳу анҳу) Каъб (розийаллоҳу анҳу) Фирдавс ҳақида сўраганларида: "Анҳорлар бўйидаги узумзор боғлар", деган эканлар.

Убода ибн Сомитдан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади: Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: "Жаннатда юзта даража бор. Ҳар икки даражанинг ўртаси Ер билан осмончадир. Фирдавс уларнинг энг юқорисида. Агар Аллоҳдан жаннатни сўрасанглар, Фирдавсни сўранглар" (Имом Бухорий, "Саҳиҳ", 2790).

Демак, ҳар бир инсон умрини ғанимат билан, эзгу ва яхши амалларни кўпайтириб борса, охиратда юксак ажр-савобларга эришади.

Абу Мансур Мотуридидийнинг "Таъвийлату аҳл ас-сунна",
Ибн Касирнинг "Тафсирул Қуръанил азийм"
тафсири асосида
Бадриддин РАҲИМОВ
тайёрлади.





БИЛИМДОН ҚИЗЛАР СИНОВИ

Ноябрь ойининг 11-куни Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислон институти талаба қизларининг ҳадис илми мусобақаси бўлиб ўтди. «Бухорий авлодлари» ва «Термизий дилбандлари» гуруҳига бўлинган қизлар бешта шарт бўйича билимларини синовдан ўтказишди. Турли саҳна томошаларида миссионерликнинг бузғунчи ғоялари, бидъат ва иримларга ишонишнинг ёмон оқибатлари

кўрсатилди. Фаол иштирокчилардан Нажмиддинова Зебунисо, Неъматова Машраббону, Саидақбарова Нилуфарнинг чиқишлари кўпчиликка манзур бўлди. Ҳайъат «Бухорий авлодлари» гуруҳини ғолиб деб топди. Ғолибларга, иштирокчиларга Имом Бухорийнинг «Саҳиҳ» тўплами ва бош-қа совғалар улашилди.



Шу йил 1 декабрь куни Тошкент Ислон университети магистратура бўлими ташаббуси билан “Замахшарий авлодлари” араб тили мусобақаси ўтказилди. Мусобақада университетнинг барча босқичлари фаол талабаларидан тузилган бешта гуруҳ иштирок этди. Талабалар матнларни таржи-

АРАБ ТИЛИ МУСОБАҚАСИ

ма қилиш, имло хатоларини атопиш, бошқотирма ечиш шартлари бўйича беллашишди. Гуруҳлар тайёрлаган саҳна кўринишлари ҳам мароқли бўлди. Умумий натижаларга кўра, “Ёш хоразмийлар” гу-

руҳи биринчи, “Термизий авлодлари” гуруҳи иккинчи ва “Ирфон” гуруҳи учинчи ўринга сазовор бўлди. Мусобақа якунида ғолибларга фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.



ИЛМИЙ АНЖУМАН



2 декабрь куни Тошкент Ислон университети ва бошқа олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, аспирантлари, тадқиқотчилари ва магистрант-

лари, шунингдек, Адвокатлар палатаси вакиллари иштирокида “Дунёвийлик ва динийлик ёшлар нигоҳида” илмий-амалий анжумани ўтказилди.

Анжуманда “Ёшларни ёт мафкура ва ғоялар хуружидан ҳимоя қилиш”, “Динийлик ва дунёвийлик масалалари ёшлар талқинида”, “Баркамол авлод тарбиясида диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик муҳим омил”, “Аждодлар меросида инсонпар-

варлик ғоялари” каби долзарб мавзуларда мавъизалар тингланди, фикр алмашилди.

Тадбирлар сўнггида университет магистратура бўлими бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент Нигора Юсупова: “Аждодларимиз меросига чуқур эҳтиром, маънавий-илмий меросни тадқиқ этиш, диний ва дунёвий илмларни уйғун равишда ўрганиш ёшларимизнинг ҳартомонлама етук мутахассис бўлиб етишишларида муҳим омил бўлади”, деди.

Райҳона ХОЛБЕК қизи



ИМОМ БУХОРИЙ ХАЛҚАРО МАРКАЗИ



Истиқлол йилларида миллий, диний қадриятларимиз қайта тикланди. Айниқса, жаҳон илм-фани ва маданиятига катта ҳисса қўшган Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Бурҳонуддин Марғинович каби алломаларимизнинг маънавий меросини ўрганишга катта эътибор берилди. 1998 йили буюк муҳаддис Имом Бухорий ҳазратларининг туғилганига 1225 йил тўлиши муносабати билан Самарқанд шаҳрида “Имом Бухорий ва унинг дунё маданиятида тутган ўрни” мавзуида халқаро илмий анжуман ўтказилди ва у зот қўним топган жойда ёдгорлик мажмуаси тикланди.

Буюк муҳаддиснинг илмий меросини ўрганиш борасида амалга оширилган муҳим ишлардан яна бири Юртбошимизнинг ташаббуслари билан Самарқандда Имом Бухорий халқаро маркази ташкил этилиши бўлди. Халқаро марказнинг асосий вазифалари Имом Бухорийнинг ибратли ҳаёт йўли ва қимматли меърослари ҳақидаги тарихий асарларни ўзбек тилига ўгириб халқимизга етказиш, маънавий-ахлоқий тарбия ишларида улардан фойдаланиш учун дарсликлар, қўлланмалар тайёрлаш, диний ходимларнинг билим-малакаларини оширишдир.

Имом Бухорий халқаро маркази олимлари юртимиздан етишиб чиққан буюк алломаларнинг бой меросини ўрганиш, улардан кенг халқ оммасини хабардор қилиш йўлида самарали ишлашяпти. “Буюк алломала-

римиз” рукни остида ўн икки нафар аллома ҳаёти ва илмий меросига оид қисқача маълумотлар баён этилган қўлланмалар нашрга тайёрланди. Маш-хур олим, шайх Абдуссалом Муборакфурийнинг “Имом Бухорий сийрати” номли асари ўзбек тилига таржима қилинди. Улуғ зот ҳаёти ва фаолиятига доир янги маълумотлар жамланган “Ҳадис илмининг султони” китоби тайёрланиб, йигирма беш минг нусхада чоп этилди. Суриялик олим Муҳаммад Усмон Жамолнинг муҳаддис Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий (736–798) ҳаёти ва ижодига бағишланган “Буюк донишманд” асари ҳам она тилимизга ўгирилди. Шунингдек, “Мутафаккирларимиз” рукнида ўндан зиёд ихчам рисоалар чоп этилди. Албатта, бу китоблар халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтиришга хизмат қилади. Марказ манбалар хазинасида араб ва форс тилларида битилган саккиз юздан ортиқ нодир қўлёзма ва тошбосма асарлар сақланади.

Имом Бухорий халқаро марказида республикамиздаги жоме масжидлар имом-хатиблари касб малакаларини оширишлари ҳучун қулай шароитлар яратилган. Барча имкониётларга эга компьютер, маънавият ва маърифат хоналари, спорт майдончаси, ошхона, шинам ётоқхона тингловчилар хизматида.





ЯХШИ ДАРС – ЯХШИ АСАР

Бугунги ахборот асрида бошқа барча соҳа кишилари каби имом-хатиблар ҳам ҳартомонлама етуқ, маърифатли мутахассис бўлишлари керак. Имом Бухорий халқаро маркази ташкил этилишидан асосий мақсад ҳам шу. Муҳтарам Юртбошимиз марказ тингловчилари билан учрашувда таъкидланганларидек, имом-хатиблар ҳар доим халқ билан бирга бўлишади. Демак, динимизнинг асл моҳиятини халқимизга етказишда уларнинг ўрни жуда муҳим. Бу ерда малака оширишган имом-хатиблар қисқа вақт ичида кўп нарсани ўрганиб, ўзлаштириб олишларига амин бўлдим. Биз ўқиш жараёнида берилган мавзулар бўйича илмий изланишлар қилдик. Информатика фанидан яхши сабоқ олдик. Ўтилган дарслар юзасидан тест синовлари топширдик. Сабоқлар, синовлар касбимга янада масъулият билан ёндашишимга сабаб бўлди. Марказда ўтилган ҳар бир дарс, машғулот тафаккуримда яхши бир асар каби ўчмас из, яхши таассурот қолдирди.



Фозилжон УБАЙДУЛЛАЕВ,
*Учтена тумани «Саид Ваққос ота»
жоме масжиди имом-хатиби*

Мамлакатимизнинг турли вилоятлари, шунингдек, чет эллардан келадиган меҳмонларни кутиб олишга мўлжалланган ўнта икки қаватли бино ҳам марказ ихтиёрига берилган.

Имом-хатибларимизнинг малака оширишларига бундай юксак эътибор барчамизга билдирилган олий ишончдир. Бу ишонч бизни мамлакатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, Ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини замондошларимизга тушунтириш, кенг тарғиб этиш йўлида астойдил меҳнат қилишга ундайди.

Убайдулла УВАТОВ,
*Имом Бухорий халқаро
маркази директори, тарих
фанлари доктори, профессор*

ҒОЯГА ҚАРШИ ҒОЯ БИЛАН...

Кейинги вақтда турли бузғунчи кучлар муқаддас динимизни қоралашга, «оммавий маданият», беҳаёлик каби иллатлар билан диний ва миллий қадриятларимизни топтаб, ёшларимиз онгини заҳарлашга уришишмоқда. Бу борада улар тинмай изланишади. Бузғунчи ғояларни замонга мослаб, янгидан-янги усулларда тарғиб қилишади. Шундай экан, имом-хатибларимиз ҳам бундай иллатлар хуружидан огоҳ бўлишлари керак. Агар бир ҳудудда кимдир, дейлик бузғунчи оқимлар ёки миссионерлар тузоғига тушиб қолса, демак, ўша жойдаги маҳаллий имомнинг ҳам маълум маънода камчилиги бор деб ўйлайман.

Имом Бухорий халқаро марказида имом-хатибларга бундай бузғунчи фирқалар, оқимлар ҳақида тўлиқ маълумот берилади. Тингловчиларга тажрибали тилшунос, тарихчи олимлар, иқтисодчилар, сиёсатшунослар дарс ўтишади. Жаҳолатга қарши маърифат билан, ғояга қарши асосли ғоя билан курашиш йўллари ўргатишади. Малака ошириш жараёнида марказ ташкил этилиши Юртбошимизнинг узокни кўзлаб олиб бораётган оқилона сиёсати яққол намунаси эканини англадим.

Жасурбек РАУПОВ,
Тошкент шаҳар бош имом-хатиби ўринбосари



Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда “Мовароуннаҳр” нашриёти ходимлари диёримиз мусулмонларини янги ҳижрий 1432 йил бошлангани билан қизғин табриклайди. Аллоҳ таолодан бу йилни халқимизга хайрли-баракотли қилишини тилайди.

Сизларга маълум, Ўзбекистон мусулмонлари идораси тоат-ибодатларни ўз вақтида адо этишда, ҳайитларни нишонлашда мусулмонларга кўмаклашиш учун Дин ишлари бўйича қўмита, шунингдек, республика фанлар академияси Астрономия институти билан ҳамкорликда ҳар йили ҳижрий-қамарий тақвимни чоп эттиради. Яқинда милодий 2011, ҳижрий 1432 йил учун ана шундай тақвим нашр этилди.

ТАҚВИМ НАШРДАН ЧИҚДИ



Ушбу тақвимдан фойдаланишда бир масалага эътибор қилиш жуда муҳим. У ҳам бўлса, Қуёшнинг чиқиш, ботиш вақтлари, янги ойнинг кўриниши масаласидир. Бу масала қуёш, ер ва ойнинг ҳаракатланиши, ўз ўқи атрофида айланиши, бир-бирига нисбатан жойлашишига боғлиқ бўлгани боис, уни олдиндан аниқ белгилаш жуда қийин.

Тақвимда қуёшнинг чиқиш ва ботиш пайтлари Тошкент шаҳри учун ҳисобланган. Анъанага кўра, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари ва қўшни давлатларнинг айрим йирик шаҳарлари учун ҳам қуёшнинг чиқиш ва ботиш вақтларининг Тошкентга нисбатан фарқлари кўрсатилган. Аммо шаҳарлар орасида қуёшнинг чиқиш ёки ботиш

вақти ўртасидаги фарқ ҳар доим ҳам бир хил бўлавермаслигини таъкидлаш керак. Бу фарқнинг юзага келиши одатда фасллар билан боғлиқ.


Ҳижрий йил ҳисоби ойнанинг ҳаракатига асослангани учун бу ҳисоб милодий ҳисобга нисбатан ҳар йили 11-12 кун илгари сурилиб боради. Бундан ташқари, ҳижрий сана ойлари гоҳ 29, гоҳ 30 кунлик бўлади. Бир йили 30 кунлик бўлган ой бошқа йилда 29 кунлик, ва аксинча ҳам бўлиши кузатилади.

Бу ҳолатларни ҳисобга олсак, ҳижрий ойларнинг бошланиши, диний байрамлар тақвимда кўрсатилганидан баъзан бир кунга фарқланиб қолиши табиий ҳол. Зеро, тақвим бир йил олдиндан тузилади ва уни тузишда астрономия институти масъул ходимларининг махсус кузатувлари, илмий хулосаларига таянилади. Лекин, қайд этганимиздек, янги ойнинг бошланиши фақат олдинги ойнинг охири кунларидагина маълум бўлади. Бу ҳолат тушунмовчиликларга, ҳар хил гап-сўзларга сабаб бўлмаслиги керак. Аксинча, бу ҳолни биз динимиз кўрсат-

маларига янада аниқроқ амал қилиш йўлидаги ҳаракат деб тушунмоғимиз ва мамнун бўлмоғимиз зарур. Чунончи, Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) ҳам: “Ойни кўриб рўза тутинг, ойни кўриб рўзани очинг (ҳайит қилинг)” (*Муттафақун алайҳ*), деганлар.

Янги ҳижрий 1432 йил «Тақвим» идан фойдаланишда ушбу фикр-мулоҳазаларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Абдулазиз МАНСУР,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари





Никоҳ инсон насли давомийлигини таъминловчи эр-хотин ўртасидаги битимдир. Аллоҳ таоло эр ва аёлга Ўзи кўрсатиб берган шаръий никоҳ асосида оила қуришни буюрган. Пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳиссалом) бундай марҳамат қилганлар: “Эй йигитлар жамоаси! Қайси бирингиз уйланишга қодир бўлсангиз, уйланинг! Чунки уйланиш кўзни (номахрамга қарашдан) тийишга, фаржни (зинодан) сақлашга ёрдам беради. Ким уйланишга қодир бўлмаса, рўза тутсин. Чунки рўза уни барча ёмонликлардан сақлайди”.

Пайғамбаримизнинг “уйланишга қодир бўлса” дейишларидан мурод, йигит жисмонан соғлом ва никоҳ харажатларига, келажакда аёли, фарзандларини моддий таъминлашга қодир бўлса, деган маънодадир. Шунингдек, Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) турмушга чиқадиган қизларнинг ота-оналарига қарата бундай тавсия берганлар: “Қачон (қизингизга) келган совчининг дину диёнатидан ва хулқидан



Саодат Қўрғони

рози бўлсаларинг, дарҳол унга қизингизни беринглар. Агар шундай қилмасаларинг, ер юзида фитна ва фасод кўпайиб кетади”.

Динимизда бўлажак оиланинг мустаҳкам ва бахтли бўлиши учун турмуш қурмоқчи бўлган йигит ва қиз бир-бирларини кўришлари жоиз дейилган. Уйланиш ниятидаги киши покиза жуфт танлаш вақтида қизнинг фақат ҳуснига ёки бойлигига учмай, балки хулқи, одоби, дину диёнатига аҳамият бериши керак. Ҳаётда қизнинг ота-онасининг бойлигига қизиқиб уйланганлари миннат балосига, чиройига маҳлиё бўлганлари эса афсус-надоматда қолганини гувоҳи бўлиб турамиз. Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом): “Аёл насл-насаби, молу дунёси, чиройи ёки диёнати учун никоҳ қилинади. Сен диёнатлисини танлагин, барака топкур!” деганлари сўзимизга далилдир. Қизларнинг диёнатлисига уйланиш оиланинг давомчилигини, барқарорлигини, осойишта ва хотиржамлигини таъминловчи омилдир.

Динимизда аёл (қиз)ни ўзи ёқтирмаган кишига мажбуран никоҳлаш мумкин эмас. Айрим ҳолларда ота-оналаримиз қизларини ўзлари истаган оилаларга узатишади, фарзандларининг майлига эътибор қилишмайди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига бир қиз келиб: “Отам мени амакимнинг ўғлига бер-

моқчи. Мен амакимнинг ўғлини хохламайман. Никоҳга рози бўлмасликка ҳақим борми ё йўқми?” деб сўради. Жаноб Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Ҳақинг бор”, деб марҳамат қилдилар. Шунда ҳалиги қиз: “Майли, мен отам айтганига розиман. Аммо буни сиздан сўраганимнинг боиси қизлар ҳам ҳуқуқларини билиб қўйишларини истаганимдир”, деди.

Никоҳ ақди боғланганини одамларга эълон қилиб қўйиш мустаҳаб. Маҳр никоҳига киргани учун эр хотинга берадиган совғадир. Маҳр хотиннинг хусусий мулки бўлиб қолади.

Албатта, никоҳдан сўнг эр томон уйлангани шарофатидан қавму қариндош ва яқинларини таклиф этиб, зиёфат беради. Никоҳ тўйини исрофга йўл қўймай ўтказиш зарур. Афсус, баъзилар дабдаба ва орзу-ҳавасларга берилиб, тўйларда исрофга йўл қўйишмоқда. Исроф маҳрумлик келтиради. Буни унутмаслик керак.

Ҳадиси шарифда: “Энг баракотли никоҳ оз харажат қилинганидир”, деб марҳамат қилинган. Аллоҳ таоло ўғил-қизларимизга баракотли никоҳ билан пойқадами қутлуғ, диёнатли келинлар, куёвлар берсин.

Абдураззоқ ЮНУС,
Ўзбекистон мусулмонлари
идораси раисининг ўринбосари

АМР ИБН ОСС

А

бу Абдуллоҳ Амр ибн Осс ибн Воил Саҳмий (розийаллоҳу анҳу) улуғ саҳобалардан бири. У Ясрибга кўчиш воқеасидан эллик йил олдин Маккада туғилган. Қурайш қабиласидан. Расулulloҳ (алайҳиссалом) уни олдин Урдунга, кейин Мисрга волий этиб тайинлаганлар.

Расули акрамдан ўттиз тўққизта ҳадис ривоят қилган. Ҳижрий 43 (милодий 664) йили вафот этган.

* * *

Амрнинг отаси Осс ибн Воил Қурайш қабиласида энг обрўли Бани Саҳм уруғининг кўзга кўринган кишиларидан эди. “Фил ҳодисаси”дан тўрт йил ўтганида унинг хотини Набиға бинти Хармала ўғил туғди. Унга “Амр” деб исм қўйишди. Амр жоҳилият даври Қурайш зодагонлари ҳаётига хос тарбия кўрди. Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) пайғамбар бўлганларида Амр ибн Осс ўттиз олти ёшда эди.

* * *

Амр ибн Осс иш билан тез-тез Ҳабашистонга бориб, Нажоший билан кўришиб турарди. Охирги боришида (ҳижрий 8 йил) Нажоший унга Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) ҳақларида: “Аллоҳга қасам, у ҳақ устидадир! Албатта, у ўзига қаршилик қилганлардан устун келади!” деди.

Бу гаплар Амрга қаттиқ таъсир қилди. У шошиб юртига қайтди. Аллоҳ таоло Амр қалбига Ислому муҳаббатини солган эди. У тўғри Ясрибга йўл олди. Йўлда ўзига ўхшаш яна бир араб улуғи Халид ибн Валидга дуч келди. У ҳам Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига кетаётган экан. Уларга Усмон ибн Талҳа ҳам қўшилди. Учовининг келаётганини эшитган Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жуда хурсанд бўлдилар.

Имом Муслим Амр ибн Осснинг (розийаллоҳу анҳу) муслмон бўлиши ҳақида унинг ўзидан бундай ривоят қилади: «Расулulloҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мендан кўра кўпроқ ёмон кўрадиган бўлмаса керак деб ўйлардим. Аллоҳ таоло қалбимга Иломни солиб қўйганида Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олдиларига бориб: “Кўлингизни беринг, аҳд-паймон қилай”, дедим. У зот қўлларини узатдилар, шунда мен қўлимни тортиб олдим. У зот: “Сенга нима бўлди, эй Амр?!” дедилар. “Шарт қўймоқчиман”, дедим. “Нимани шарт қўясан?” дедилар. “Мағфират қилинишимни”, дедим. “Ислому ўзидан олдинги нарсаларни ювиб юборишини... билмасмидинг?” дедилар. Шу соатдан бошлаб менга Расулulloҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сеvimлироқ одам бўлмай қолди. Мен учун у зотдан улуғроқ бирор одам йўқ эди. У зотни ҳурмат қилганимдан юзларига тик қарашга ботинмас... Эдим».

* * *

Амр ибн Осс (розийаллоҳу анҳу) доимо Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ёнларида





бўлишга ҳаракат қиларди. Макка фатҳи куни ҳам у зот билан бирга эди. Бутлардан Сувоъни бузиш унга топширилди. Пайғамбар (алайҳиссалом) хузурларида Амр ибн Осснинг ҳурмати орта борди. Расули акрам Ўрдун подшоҳига мактуб элтишни ҳам Амр ибн Оссга топширдилар. Уммонга Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) элчиси бўлиб келган Амр ибн Осс у зотнинг Ўрдун диёридаги волийлари (ҳоким) бўлиб қолди. У Ярмук газотида, румликлар мағлуб бўлган Ажнодайн воқеасида, Миср фатҳида жасоратли, тадбирли эканини кўрсатди.

* * *

Амр ибн Осс бутун вужуди билан ҳақиқатни аглаб, чин юракдан имон-эътиқод келтирган эди.

Талха ибн Убайдуллоҳдан (розийаллоҳу анху) Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар (алайҳиссалом): “Албатта, Амр ибн Осс Қурайшнинг солиҳларидандир”, деганлар.

Жобирдан (розийаллоҳу анху): «Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Эй Аллоҳим, Амр ибн Оссни мағфират қил”, дея уч марта айта туриб, “Мен уни садақа келтиришга чақирсам, олиб келар эди”, деганларини эшитганман» (Ибн Адий келтирган ривоят).

* * *

Абу Бакр Сиддик (розийаллоҳу анху) Амр ибн Оссни Шомга юбораётиб, унга бундай насиҳат қилган эди: “Эй Амр, ичингда ҳам, ташингда ҳам Аллоҳдан қўрқ! У Зотдан ҳаё қил! Чунки У Зот сени ҳам, амалингни ҳам кўриб туради. Мен сендан кўра пешқадам кишилардан ҳам, сендан кўра ҳақироқлардан ҳам сени олдин кўйганимни кўриб турибсан. Сен охирад учун амал қилувчилардан бўл ва амалинг билан Аллоҳ розилигини истовчилардан бўл. Ўзинг билан бирга кетаётганларга худди отадек бўл. Одамларнинг ички сирини очма, уларнинг таши билан кифоялан. Ишингда жиддий бўл. Агар душман билан тўқнашсанг, собит тур, қўрқма. Ҳаддан ошадиганлардан эҳтиёт бўл ва улардан ҳимоялан. Шерикларингга ваъз айтadиган бўлсанг, қисқа қил. Агар ўзинг яхши бўлсанг, одамларинг ҳам яхши бўлишади”.

* * *

Миср фатҳи чоғида Амр ибн Осс (розийаллоҳу анху) сулҳ таклиф этиб, аҳднома ёзиб беради: “Бисмиллаҳир роҳманир роҳим! Ушбу Амр ибн Осснинг Миср аҳлига жонлари, моллари, миллат (дин)лари, черковлари, хочлари, қуруқликлари ва сувлари учун берган омонлигидир. Уларнинг нарсаларига бирор аралашув бўлмайдди, камситилмайдди...”

Шунда мусулмонлар Амрнинг чодир атрофида чодирларини ўрната бошлашади. Шу та-

риқа Қохирада ҳозиргача номи сақланиб келаётган Фустот (Чодирлар) тумани пайдо бўлади.

* * *

Ибн Абдул Ҳакам Лайс ибн Саъддан ривоят қилади: “Умар ибн Хаттоб (розийаллоҳу анху) раҳбарлиги даврида Мадинада қаттиқ очарчилик бўлди. Шунда Ҳазрати Умар ёрдам сўраб, Миср-га мактуб жўнатди.

Амр ибн Осс қатта қарвон юборди. Туялар бирига уланган, биринчиси Мадинага етиб борганида охириги Мисрда эди. Волий Абдурахмон ибн Авф, Зубайр ибн Аввом ва Саъд ибн Абу Вакқосни (розийаллоҳу анхум) нарсаларни одамларга тақсимлаб бериш учун юборди. Улар ҳар бир хонадонга бир туяни устидаги таоми билан беришди. Мадиналиклар овқатларни, гўштни (туяларни сўйиб) ейишди, ёғини эритиб олишди, терисини пойабзал қилишди, хатто овқат тугилган матоларни ҳам рўзғорга ишлатишди. Шундан сўнг Аллоҳ таоло одамларга кенглик ато этди”.

Исломи тарихида биринчи инсонпарварлик ёрдамини Амр ибн Осс (розийаллоҳу анху) шу тариқа уюштирган эди. У киши ташкил қилган қатта ёрдам туфайли кўп инсонлар очарчиликдан қутулишди.

* * *

Амр ибн Осснинг фазилатлари кўп бўлган. Уни машҳур қилган хислатларидан бири маъноси чуқур, ҳикматли сўзларни кўп айтганидир. Бунга мисол қилиб Муовия ибн Абу Суфённинг (розийаллоҳу анху) балоғат, сабр, саҳийлик ва шижоат ҳақидаги кўп саволларига берган жавобларини келтириш кифоя:

«Муовия Амр ибн Оссдан:

– Балоғат нима? – деб сўради.

– Ортиқча гапни тарк қилиб, қисқаси билан кифояланиш, – деди Амр.

– Одамлар ичида сабрлиси ким?

– Ҳамиша ҳавойи нафсига қарши бўлгани.

– Одамларнинг саҳийи ким?

– Диёнати учун дунёсини сарф қилгани.

– Одамларнинг шижоатлиси ким?

– Жаҳлини ҳилми билан қайтаргани».

Амр ибн Осс ўғли Абдуллоҳга (розийаллоҳу анху) бундай деган экан: “Эй ўғлим, одил султон баракали ёмғирдан яхшидир...”

Амр ибн Осс яхши шоир ҳам бўлган. Тарих ва сийрат китобларида унинг ҳикматли шеърларидан намуналар келтирилган.

Амр ибн Осс (розийаллоҳу анху) саксон ёшдан ошиб, ҳижрий 43 йили рамазон ҳайити куни вафот қилди. Ҳайит намозига келган жамоат жанозасини ўқиди. Муқаттам қабристонига дафн этилди.

Аҳмад МУҲАММАД
тайёрлади.

ИМОМ ҲАСАН ИБН МАНСУР

Мовароуннаҳрда ҳанафий мазҳабининг кенг тарқалишига салмоқли ҳисса қўшган фақиҳлардан бири Имом Ҳасан Фаҳруддин Қозихондир. Қозихонинг тўлиқ исми Имом Ҳасан ибн Мансур ибн Маҳмуд ибн Абдулазиз шамсулаимма ибн Абдурраззоқ ибн Абу Наср ибн Жаъфар ибн Сулаймон Ўзгандийдир. Қорахонийлар даврида яшаган Имом Ҳасан "Имом Қозихон" номи билан танилиб, "Абулмафохир" ва "Абулмаҳосин" куняларини олган. Унинг яна "Қозихон" дейилишига қози бўлгани сабаб қилиб келтирилади. Бундан аллома замонасида юксак ҳурмат қозонгани маълум бўлади. Шогирдларидан Маҳмуд Ҳасирий алломага: "У саййидимиз, қози, имом, устоз, миллат фаҳри, Исломнинг устуниси, Шарқнинг муфтийи эди..." деб таъриф беради.

Имом Қозихоннинг туғилган йили ҳақида аниқ маълумот йўқ. Баъзи тарихчилар вафот этган саналарига таяниб, у зотни ҳижрий олтинчи асрнинг йигирманчи йилларида туғилган деб тахмин қилишади. Имом Қозихон Ўзжандда (ҳозирги Ўзган) туғилган. Боболари асли марғилонлик бўлишган. Шу сабаб Имом Қозихонга "Ўзгандий", амакиларига "Марғиноний" деб нисбат берилган.

Ёш Ҳасан зиёли оилада туғилиб вояга етади. Бухоро шаҳри олимларидан дарс олади. Қозихон бошланғич таълимни етук олим бўлган отаси Шайх Мансурдан олган, кейин бобоси шамсулаимма Маҳмуд ибн Абдулазиздан, сўнг амакилари Ҳасан ибн Али Заҳириддин Марғинонийдан олган. Бобоси ҳақида Абдулвафо Қураший Абу Саъддан нақл қилиб: "У зотнинг олти фарзанди бўлиб, ҳаммалари фатво бериш даражасида эдилар. Абдулазиз ибн Абдурраззоқ фарзандлари билан уйдан чиқсалар, одамлар, етти муфтий бир ҳовлидан чикди, дейишарди", деб қайд этади.

Имом Қозихон яшаган даврда Бухоро ва унга қўшни шаҳарларда етук уламолар етишиб чиққан. Иброҳим ибн Исмоил Саффор, шамсулаимма Маҳмуд Ўзгандий, Заҳириддин Ҳасан ибн Али



Марғиноний, Низомиддин Иброҳим ибн Али Марғиноний ва бошқалар Қозихоннинг устозлари эди.

Унинг шогирдлари ҳам кўп бўлган. Тоҳир ибн Аҳмад ибн Абдурашид, Убайдуллоҳ ибн Иброҳим Маҳбубий, Нажмиддин Юсуф ибн Аҳмад Абу Бақр Хосий, Маҳмуд ибн Аҳмад Бухорий Ҳосирий, Муҳаммад ибн Абдусаттор Кардарий, садрулислом Тоҳир ибн Бурҳониддин Маҳмуд кабилар унинг шогирдларидир. Замондошлари Имом Қозихонни, ечилиши оғир масалаларда ижтиҳод қилиш даражадаги фақиҳ эди, деб ёзишади.

Алломанинг "Фатавои Қозихон", "Ал-аъмолий", "Ал-Маҳозир", "Китабу масаил лил ғурур", "Ал-Вақеъат", "Адабул фузало", "Ал-Фаваид", "Шарҳу адабул қозий лил хассоф", "Шарҳул Жомеъ ал-кабир" "Шарҳу Зиёдат" каби кўплаб асарлар ёзди. Улар орасида "Фатавои Қозихон" жуда машҳур. Баъзи олимлар ушбу китобдан иқтибос келтиришганида қисқартириб, "ва фи Қозихон" ёки "ва фи Хония" деб ёзишади. Алломалардан бири: "Ушбу машҳур китобни фуқоҳо ва уламолар қўлма-қўл қилиб ўқишади...", дея таърифлаган.

Муаллиф асар бошида: "Мен китобимда ўрганилиши зарур, инсонларнинг ҳоҷати тез-тез тушадиган масалаларни баён этдим. Буларни бир нечтага қисмладим. Баъзилари ўтган асҳобларимиздан ва айримлари кейинги машойихларимиздан нақл

¹ "Саффор" - мис идишлар сотадиган киши.

² Бухородаги бўйрачилар маҳалласига нисбат берилган.

³ Хоразмнинг Журжон шаҳридаги маҳаллага нисбат берилган.

⁴ "Кашфуз Зунун", 2-жилд, 1227- бет.



ВАТАН ТАНЛАНМАЙДИ

қилинган. Ҳар бир жинс учун алоҳида фасл ва бўлак масалаларнинг аслини ҳам келтирдим. Кўпсўзли ўринларни қисқартирдим. Китобхонлар эътибори учун биринчи долзарб масалаларни баён этдим ва ишларимни Аллоҳ таолонинг ўзига топширдим..." деб ёзади.

"Фатавои Қозихон" биринчи марта ҳижрий 1251 (милодий 1835) йили тўрт жуз қилиб Ҳиндистонда, кейин 1310 йили Мисрда "Ал-Фатавоул Қозихон" номи билан нашр этилди. Ушбу китоб "Фатавои Ҳиндия" ва "Ал-Фатавоус Сирожия" асарлари ҳошиясига ҳам ёзилган. Китобнинг йигирмадан ортиқ қўлёзма нусхалари Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар жамғармасида сақланади. Шу жумладан, "Мухтасару Қозихон" (Истанбулдаги "Мурод Мулло" кутубхонасида), "Маҳкаматус Султон Мухтасари Қозихон" (ҳозир Дамашқдаги "ал-Асад" кутубхонасида) каби номлар билан нашр этилди.

Имом Ҳасан Фахруддин Қозихон милодий 1196 йил 12 август (ўн бешинчи рамазон) душанба куни Бухорода вафот этган ва шу ердаги "Қузотус сабаъа" (Етти қози) мақбарасига қўмилган.

Ўролбек МУСТАНОВ,
Тошкент Ислоҳ институти мударриси

Мустақиллик яхши экан. Ўзимизга ўзимиз эга бўлганимизга нима етсин. Ички ва ташқи ишларимизни бир интизомга солиб турадиган Асосий Қонунимиздир. Мадҳиямиз, байроғимиз ва гербимиз ўзимизники. Чет элларда юртимизнинг бу рамзларига кўзимиз тушса, кўнгилларимиз яйрайди. Утган аср тўқсонинчи йилларнинг бошларида кўпчилик қатори менга ҳам ҳаж ибодатини бажариш насиб этди. Макка шаҳрида юрганимизда бир воқеадан қаттиқ таъсирландим. Улуғ жойларни зиёрат қиляпмиз. Орамизда бир кекса отахон бор эди. Нимадир бўлиб, у сафимиздан ажраб ортда қолиб кетибди. Қаерга боришини билмайди. Ёрдам сўрай деса, ҳеч кимга сўзини тушунтиролмади. Шунда узоқдан биз жойлашган меҳмонхона пештоқида ҳилпираган юртимиз байроғига кўзи тушибди. Отахон ўша томон юриб, ниҳоят бизни топди. У келдию, ҳеч кимга эътибор бермай, байроғимизни кўзига суртиб, бундай деди: "Шу кичкина мато сабаб бўлиб, йўлимни топдим. Унинг қадрини бугун яна ҳам кўпроқ билдим. Қаранг-а, шу байроқ бутун юртнинг юраги экан..."

Яқинда Хитойнинг Гуанжу шаҳрида XVI Осиё спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Ушбу ўйинларда дунёнинг қирқ беш мамлакатидан йи-



рилган спортчилар куч синашишди. Бу беллашувларда юртимиз вакиллари умумжамоа ҳисобида саккизчи ўринни эгаллашди. Фолиб спортчиларимизга нишонлар топширилаётганида юртимиз мадҳияси янгради. Бундан юракларимиз ҳаяжонга тўлди.

Ватанимиз мадҳияси чет элларда, халқаро миқёсдаги маданий-маърифий тадбирлар ва спорт мусобақаларида янграб, дунёда Ўзбекистондек юрт борлигини билдириши ҳар биримизнинг кўнглимизга ҳузур бағишлайди. Асосий Қонунимиз ҳам давлатимизнинг бошқа рамзлари каби биз учун жуда қадрли. Бу йил Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганига 18 йил тўлди. Асосий Қонун сабаб ҳақ-ҳуқуқларимиз ҳимояланган. Иш жойимизда, маҳалла-қўй ва оилада хотиржаммиз.

Аллоҳ таолога шукрлар бўлсин! Бугун халқимиз тинч, кўнларимиз ёруғ, осмонимиз мусаффо. Аммо буларнинг бари ўзидан ўзи бўлмаётганини англашимиз ва қадрига етишимиз керак. Ватанимиз ўсишини кўролмай, халқларни бир-бирига қайраб, уруш оловини ёқмоқчи бўлаётган ғаламисларнинг кўзи юртимизга қадалиб турганини ҳар доим ҳис этишимиз зарур. Айниқса, биз имом-хатиблар фитналарга бошловчи ҳар қандай ҳаракат ва ғояларга фарқсиз бўлмаслигимиз, элу юрт тинчлигини сақлашдек улуғ ишга холис ҳисса қўшишимиз керак.

Абдулаҳад ТОЖИБОВЕВ,
Бўз тумани "Бурҳониддин Марғинович"
жоме масжиди имом-хатиби

ОНА САЛОМАТ БЎЛСА...

Тиббиёт фанлари номзоди Умида ВАФОКУЛОВА билан суҳбат

– Соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келади. Шунинг учун қизларимиз саломатлигига болалигиданоқ жиддий қайғуриш керак. Мутахассис сифатида бу борада ота-оналарга қандай маслаҳатлар берадиз?

– Ота-она қанчалик билимли ва маънавиятли бўлса, болаларнинг соғлом туғилиши, яхши таълим-тарбия олиши учун пухта замин ҳозирлайди. Айниқса, қизлар соғлиғига алоҳида эътибор бериш керак. Уларни тозалликка ва тартибга ўргатиш, қизларга хос жисмоний машқлар билан шуғулланишларини таъминлаш зарур. Бу ишлар уларнинг келажаги учун жуда муҳим.

Бугун аёлларимизнинг кўп муаммоларига камқонлик сабаб бўляпти. Шу боис ўсмир қизлар қонида гемоглабин миқдорини, ички аъзолари соғлигини мунтазам текширтириб туриш керак. Камқонликнинг олди қанча эрта олинса, шунча яхши. Оксил, углевод, ёғ, аминокислоталар, минерал моддалар ва бошқа микроэлементлар тақчиллиги уларнинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатади. Танада йод етишмовчилиги жиддий касалликларга сабаб бўлади. Бундан ташқари, тартибсиз овқатланиш, рухий зўриқиш ва

оиладаги нотинчликлар ҳам соғлиғига зарар қилади. Оқибатда чала туғиш, ҳомиланнинг тушиши, туғиш вақтидаги қийинчилик каби оғриқли ҳолатлар келиб чиқади. Баъзи ота-оналар қизларининг сарпо-суруғига, жиҳозларига, тўй-хашамига катта эътибор беради, аммо энг керакли бўлган соғлиғига жиддий қарашмайди, вақтида мутахассисга кўрсатишмайди.

– Боланинг соғлом туғилишида ҳомиладорлик ниҳоятда эътибор талаб давр ҳисобланади. Бу ойлarda аёл кўпроқ нималар қилиши зарур?



– Она қорнида тирик вужуднинг бино бўлиши жараёни тўққиз ою тўққиз кун давом этади. Онада кун ва соат сайин жиддий ўзгаришлар, айтиш мумкин, зўриқишлар ортади. Барча аъзоларга қўшимча вазифалар кўпаяди, ҳомила катталашган сайин уларга тушадиган “юк” ортиб бораверади. Бу даврда она тозалликка катта

эътибор бериши керак. Бадан тозаллиги тери орқали нафас олишни енгилаштиради. Танани сиқмайдиган, кенгроқ қилиб тикилган пахтали кўйлак кийиш яхши.

Боланинг ўсиши ва ривожланишида озиқ-овқатларга, витаминларга талаб кучаяди. Гўшт, балиқ, ҳўлмева, сабзавотлар, сут ва макарон маҳсулотлари рўзғоримизда доим бўлади. Мазали овқатлар пишириб, вақтида еса, бу ҳам боланинг соғлиғи учун фойдали. Оғир юк кўтариш, узоқ вақт тик туриш, шовқин-сурон ҳам болага рухий таъсир қилади. Тоза ҳавода кўп юриш ҳомиланнинг она қорнида катта бўлиб кетишидан сақлайди. Ҳомиладор аёл спиртли ичимликларни мутлақо ичмаслиги, чекмаслиги, ҳатто чеккан одамнинг яқинига ҳам бормаслиги керак. Чунки тамакидаги зарарли моддалар аёл танасида тўпланиб, ҳомилани заҳарлайди.

– Аллоҳ таоло бундай дейди: “Оналар болаларини тўлик икки йил эмиздилар. (Бу муддат) эмизишни камолига етказишни истовчилар учундир” (Бақара, 233). Бу оят болаларимизни соғлом камолга етиши учун марҳамат қилинди. Афсус, кўп оналар қодир бўлатуриб болаларига кўкрак сути бермай, сунъий овқатлантиришга одатланишган. Бола ҳаётида она су-



тининг устунликлари ҳақида гапириб ўтсангиз...

— Исломи дини таълимоти замонавий тиббиёт нуқтаи назарига мос келади. Тугруқлар орасидаги муддатлар қисқалиги, болани эмизиш даврида ҳомиладор бўлиш нафақат она, балки бола соғлиғига ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Агар бола уч-тўрт ойга тўлмасиданоқ аёл ҳомиладор бўлса, кўкрак сутининг таркиби ўзгаради, ўз хусусиятларини йўқотади ва гўдак учун зарарли. Бундай вазиятларда оналар боласини кўкрак сути билан озиқлантиришни тўхтатишга мажбур бўлишади. Оқибатда болалар ўзларининг саломатлиги ва ақлий ривожланиши учун энг муҳим неъмат — она сутидан баҳрасиз қолишади.

Она сути боланинг соғлом ўсиши ва ривожланиши учун энг муҳим фойдали озуқа. Она сутидан юздан ортиқ турли моддалар бор. Оксил, ёғ, углеводлар энгил ҳазм бўлади. Она сути энгил ҳазм бўлувчи ва етарли кувватга эга бўлган, турли микроблардан холи, пишириш ва иситиш талаб қилмайдиган тайёр озуқа.

Она сутига тўйган бола сунъий озиқлантирилган болага нисбатан анча тетик бўлади. Турли касалликларга чалиниш эҳтимоли ҳам жуда кам. У онасини эрта таний олади, унга интилади, бу ҳол мурғак қалбида меҳр куртакларини уйғотади. Халқда: “Онанинг (эмицикли) қўлидан боласини эмас, ишини ол”, деб бежиз айтилмаган, ахир.

РАЙҲОНА
суҳбатлашди.

МЕҲРИНИ АЯМАС

Бир парча эт эдик, онамиз туну кун бошимизда парвона бўлиб, оқ ювиб оқ таради. Атак-чечак қилиб юрсак, йиқилмасин дея ортимиздан эргашди. Ширин овқатлар пишириб берганида баъзан хархаша қилдик, емадик, тўкиб-сочдик. Қўлимизга қалам тутганида, уни улоқтирдик. Онамиз аста-секин қоғозларга ёзишни ўргатди. Мактабга чиқиб кийимларимизни, китоб-дафтарларимизни кир қилдик. Аммо ҳар гал эрта тонг тоза кийимлар кийдик. Онамиз «Алифбе»ни, «Ўқиш китоби»ни биз билан бирга ўқиди, қўлимиздан тутиб ҳарфларни ёздирди... Қишнинг изғиринли совуқларида пинжида мактабга олиб борди.

Улғайгач, худди ўзимиз катта бўлиб қолгандай бўлдик. Унинг меҳри, қалби тафти билан улғайиб, бу кунларга етганимизни унутдик...

Баъзан рўзғор ташвишлари билан онамизни кам эслаймиз. Онажонимиз хавотир билан қўнғироқ қила-



ди: «Болам, тинчмисан?..» «Тинчман», деймиз-у, сўзларига қулоқ осмай, ўз ташвишларимизни айтаемиз. Хасталигини эшитиб, олдига борсак, яхши сўзимизни қизғанаемиз. «Киши кексайса, ёш бола бўлиб қоларкан...» деб қўямиз. Шунда ҳам бизга шафқат қилиб: «Қаричиликни айб санаманг, болам», дейди онамиз.

Унинг меҳр муҳаббати шундай чексиз. Биз кўрсатган «ҳунар»лар қаддини букди, сочларини оқартирди, аммо у меҳрини аямайди, миннат қилиш нималигини билмайди...

Зайнаб НОСИРОВА

ҚИЗЛАР МУСОБАҚАСИ



Шу йилнинг 6 декабр куни Имом Бухорий номидаги Тошкент Исломи институтида мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллиги муносабати билан талаба қизлар ўртасида мусобақа ўтказилди. “Баркамол авлод” ва “Адолат” гуруҳларига бўлинган қизлар ҳуқуқшунослик ва бошқа фанларга доир бешта шарт бўйича билимларини синашди. Саҳна кўринишларини намойиш этишди. Мусобақа ҳайъати “Баркамол авлод” гуруҳи қизларини голиб деб топди. Мусобақа якунида иштирокчиларга эсдалик совғалари улашилди.





1961 йили Комор ороллари ўзини ўзи бошқаришга ўтди, ўн тўрт йилдан сўнг мустақилликка эришди. Кейинчалик бу ерда бир неча марта нотинчликлар ва тўнтаришлар юз берди. 1978 йили Комор ороллари Федератив республикаси деб аталадиган бўлди. 1990–1992 йиллари ҳам фитналар хавфи туғилди. 1999 йили давлат тўнтариши юз бериб, барча давлат ташкилотлари тарқатиб юборилди, вақтинчалик конституция

КОМОР ОРОЛЛАРИ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ

Жуғрофий ўрни. Комор ороллари Федератив республикаси Африка қитъаси билан Мадагаскар ороли ўртасида, Мозамбик бўғози шимолидаги тўртта йirik – Катта Комор, Анжуан, Майотта, Мохели оролларида ташкил топган.

Тарихи. Қадимда Комор оролларига Осиёдан одамлар келиб ўрнашишган ва ерли аҳоли билан аралашиб кетишган. Милоднинг бешинчи асрида оролларга малай-полинез муҳожирлари кўчиб келади. Еттинчи асрда ороллар аҳолиси


Майдони: 2236 кв. км.
Аҳолиси: 600 минг киши.
Пойтахти: Морони шаҳри.
Тузуми: республика.
Давлат бошлиғи: президент.
Маъмурий тuzилиши: 4 округдан иборат.
Пул бирлиги: комор франки.



амалга киритилди. Кейинроқ Анжуан ва Мохели ороллари мухторият берилди.

Иқтисоди. Комор ороллари иқтисоди унча ривожланган эмас, асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, четга сотишга ихтисослашган. Кўпроқ қалампирмунчоқ, ванил (хушбўй зиравор), кокос палмаси етиштирилади. Тахтаёғоч тайёрлаш, балиқни қайта ишлаш корхоналари ҳам бор. Чорвачиликда йirik қорамол ва қўй-эчки боқилади. Четга қалампирмунчоқ, ванил, кофе, турли зираворлар ва хушбўйликлар сотади. Бошқа ўлкалардан нефт маҳсулотлари, транс-

бу ерга уммон орқали сузиб келишган араб савдогарларидан Ислонни қабул қилди ва узоқ давр маҳаллий султонлар ҳукронлиги остида яшади. Ўн бешинчи-ўн олтинчи асрларда мамлакатда Ислон дини кенг ёйилди. 1598 йили Хаутман исмли ҳолландалик зобит Коморни қайта «очди». Ўн тўққизинчи асрда уни Франция босиб олди ва денгиз ортидаги қарам ҳудудга айлантirdи. 1912 йили Катта Комор ва Анжуан ороллари, 1914 йили эса Мохели Франциянинг мустамлакаси бўлди.





порт асбоб-ускуналари, семун, пўлат, темир, пойабзал, кийим-кечак, гуруч, гўшт-сут маҳсулотлари сотиб олади. Франция, АҚШ, Бразилия, Баҳрайн, Ботсвана, Жанубий Африка Республикаси билан савдо алоқалари кенг йўлга қўйилган.

Аҳолиси. Аҳолининг этник таркиби асосан африканлар (коморлар ва анталашурлар), араблар, малагасийлардан иборат. Бундан ташқари мамлакатда покстонликлар, ҳиндлар, франсузлар ҳам яшашади. Аҳоли зичлиги бир кв. км. жойга ўртача 292 кишидан тўғри келади.

Дини. Комор оролларида Ислом дини давлат дини саналади. Аҳолининг тўқсон фоизи мусулмонлар, улар асосан аҳли сунна вал жамоанинг шофиъий мазҳабида. Пойтахти Морон шаҳрида тарихий аҳамиятга эга бўлган бир неча кўҳна масжид сақланиб қолган. Мамлакат Ислом Конференсияси Ташкилоти аъзосидир.

Комор ороллари Федератив Республикаси таркибига



кирувчи Майотта ороли аҳолиси 2009 йил баҳорида ўтказилган умумхалқ сўровида (референдум) Францияга бирлашишни ёқлаб овоз берган эди. Бу оролда яшайдиган 224 минг аҳолининг тўқсон фоизи мусулмонлардир. Майоттага сафар қилган Франция президенти Саркози 2011 йилдан майотталиклар Франциянинг тўлақонли фуқаролари бўлишни эълон қилди. Аммо Комор ороллари ҳукумати келгуси-

да бирлашган давлат тузиш имкониятини йўққа чиқарадиган Майотта референдуми натижаларига шубҳа билан қарамоқда.

Аҳмад ТУРСУН
тайёрлади.

¹ “Страны мира”, справочник, Москва, 2003 г. стр. 332-333.

² “Атлас мира”, справочник, Москва, 2003 г. стр. 66-67.


³ “Ислом”, справочник, Тошкент, ЎзСЭ, 1989 йил, 322-323-бет.

⁴ Интернет сайтлари.



СОҲИБҚИРОННИНГ МАЪНАВИЙ САЛОҲИЯТИ

Амир Темур таваллудининг 675 йиллиги



Амир Темур ибн Муҳаммад Тарағай Баҳодирхон улуғ маънавий салоҳият эгаси эди. Соҳибқироннинг ноёб маънавияти зоҳирий ва ботиний илмлар, миллий ва умумбашарий қадриятлар билан йўғрилган. "Амир Темур ёшлик чоғидан ўткир зеҳн ва ақлу идрок эгаси бўлиб ўсди. Турли дунёвий илмларни эгаллади. Қуръони каримни ёд олди, ҳадис илмини ўрганди. Имон-этиқодли, ҳалол-пок инсон бўлиб етишди..."¹

Амир Темур маънавияти асослари Аллоҳга сидқидилдан этиқод қилиш асосида шаклланди. Шунингдек, тавҳид, тафсир, фикҳ, тасаввуф каби илмлар, тарих, фалсафа, адабиёт, иқтисодиёт, молия каби фанларга, ҳақиқат ва адолатга ихлос руҳида қарор топди. Амир Темур Ислом динининг маънавий, тарбиявий имкониятларини жамият осойишталиги, равнақи, ижтимоий адолат қарор топиши, имон бутунлиги, мамлакатнинг ҳудудий яхлитлигини мустаҳкамлашга, давлатнинг ички ва халқаро нуфузини оширишга... сафарбар этди. "Тузуқлар"да у: "Ҳар ерда, ҳар вақт Ислом динини қувватладим", деб ёзди.

Амир Темурга замондош тарихчилар Низомиддин Шомий, Шарафуддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ асарлари, "Темур тузуқлари" ва бошқа ўнлаб манбаларда соҳибқирон ахлоқий сифатлари исломий маданият, маънавият би-

лан йўғрилгани таъкидланади. Саналган манбаларда бобокалонимизнинг фуқароларни диёнатли бўлишга чақиритиши, ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий муаммоларни одилона ҳал этиши, мискинларга яхшилик қилиши каби кўплаб маънавий сифатлари баён этилган.

Амир Темур маънавияти ҳали ёшлик йиллариданоқ шаклланиб, қарор топган. Бунинг учун бир қанча қулай ижтимоий, маънавий омиллар мавжуд эди.

Биринчидан, катта имкониятларга эга ва масъулиятли отаси Амир Тарағай ягона ўғлининг тарбиясига катта эътибор беради. Темурбек дастлаб онаси Тегина хотун қўлида, сўнг мадрасада таълим олиб камол топди.

Иккинчидан, ўн тўртинчи аср ўрталарига келиб Мовароуннаҳр моддий, маданий, илм-фан жиҳатларидан янада юксалди. Олдинги шон-шухратини қайта тиклай бошлади. Темурбек ана шу моддий-маънавий маданиятдан унумли баҳраманд бўлди.

Учинчидан, Темурбек маънавияти юксалишига шайх Саид Барака, Зайниддин Тоябодий, Амир Кулол каби пиру муршидлар ҳам салмоқли таъсир кўрсатишди.

Амир Темур тасаввуфнинг йирик намояндалари Хожа Абдулҳолиқ Фиждувоний, Хожа Аҳмад Яссавий, Ҳаким Термизийни ғойибона пир ҳисоблаб, уларга атаб мақбара ва масжидлар қурдиргани, моддий жиҳатдан таъминлаб тургани ҳам бу фикрни исботлайди.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд Ислом таълимоти хурофот, бидъат, жоҳиллик каби иллатлардан ҳимоя қилган бўлса, Амир Темур уни ҳартомонлама тарғиб этди, фитна ва бўлинишларнинг олдини олди. Масалан, машҳур тарихчи, файласуф, фақиҳ Саид Шариф Журжоний ёзиб қолдиришича, ўн тўртинчи асрнинг саксонинчи йилларида Эрон, Ироқ, Шом каби ўлкаларда фирқаларга бўлиниш, мутаассиблик, ўзаро қарама-қаршилиқлар авж олган бир вазиятда Амир Темур Ислом дини софлиги учун курашди.

"Тузуқлар"да келган ушбу жумлалар Соҳибқироннинг дин равнақи йўлидаги улуғ хизмат-





ларига яққол далилдир: "Ислом динига равнақ берганим ҳақидаги овоза каттаю кичик инсонларнинг қулоғига етганидан кейин, олимлар: "Тангри таоло ҳар юз йилда Муҳаммад (алайҳиссалом) динига ривож бериш учун бир кишини юборади. Бу саккизинчи юз йилликда Амир Соҳибқирон Ислом динини жаҳон аҳлига тарқатди. Шунинг учун бу юз йилликда Ҳазрати Муҳаммад (алайҳиссалом) динининг таянчи шу киши бўлғай", деб фатво бердилар".²

Соҳибқирон Амир Темур бошқарувида диний маҳдудлик ҳолатлари кузатилмаган, у бошқа динлар вакилларига ҳам юксак ҳурмат, илтифот кўрсатган.

Муҳтарам Юртбошимиз: "Бизнинг тарихимизда Амир Темурдай улуғ сиймо бор экан, унинг қолдирган мероси, панду ўғитлари бугунги ҳаётимизга ҳамоҳанг экан, олдимизда турган бугунги муаммоларни ечишда бизга қўл келаётган экан, бизнинг бу меросни ўрганмасдан, таърифламасдан, тарғиб қилмасдан ҳақимиз йўқ... Амир Темур бизнинг фахримиз, ифтихоримиз, ғуруримиз".³ деб алоҳида таъкидлаган эдилар. Улуғ давлат арбоби, дин, фан ва маданият ҳомийи Амир Темур туғилганининг 675 йиллиги муносабати билан ушбу ҳақиқат яна бир бор исботини топмоқда.

Мансурхон ОЛТИН ўғли,
тарих фанлари доктори,
профессор

¹ Ислом Каримов. "Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура". 2-жилд, Тошкент, "Ўзбекистон", 1996, 360-361-бетлар.

² "Тузуқлар". Фафур Ғулум номидаги нашриёт, Т., 1991, 58-бет.

³ Ислом Каримов. "Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби". 5-жилд, Тошкент, "Ўзбекистон", 1997, 190-191-бетлар.

Бу йил Конституциямиз қабул қилинган куннинг 18 йиллигини нишонладик. Бош Қомусда халқимиз руҳига мос келадиган имон-этиқод, меҳр-оқибат, каби энг эзгу фазилатлар мужассамдир. Мингйилликлар давомида наслардан наслларга ўтиб келаётган ва дунёнинг ҳеч бир бурчагида такрорланмайдиган ажойиб муносабатлар, инсоний фазилатлар Асосий Қонунидан ўрин олган.

Бош Қомуснинг қабул қилиниши мустақил давлатимиз тарихида катта воқеа бўлди. Асосий Қонунда фуқароларнинг виждон эркинлиги, диний этиқоди билан боғлиқ масалаларга кенг ўрин берилган. Бош Қомусда кишиларнинг бир динга этиқод қилиши ёки қилмаслиги, диний этиқоди учун таъқиб қилинмаслиги, барча конфессия вакиллариинг тенглиги кафолатлаб қўйилган. 1998 йил 1

ҚУДРАТЛИ ОМИЛ

майда қабул қилинган янги таҳрирдаги "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонунга асосан диний ташкилотларнинг ҳуқуқий мақоми белгилаб берилди.

Мустақиллик туфайли халқимиз кўп неъматларга эришди. Буни кўрмаслик, ҳис этмаслик, қадрига етмаслик мумкин эмас. Мустақиллик йилларида мамлакатда Ислом дини равнақи йўлида кенг имкониятлар очилди. Жумладан, этиқод эркинлиги мамлакатимизнинг Асосий Қонунда кафолатлаб қўйилди.

Барча исломий қадриятлар — масжид ва мадрасалар бинолари, нодир тарихий манбалар, осори атиқалар мусулмонларга қайтариб берилди. Уларнинг эмин-эркин ибодат қилишлари, диний таълим олишлари, диний адабиётлар ва оммавий ахборот воситаларидан баҳраманд бўлишлари учун барча шарт-шароит яратилди. Айниқса, бебаҳо маънавий мерос. Аждодларимиз қолдириб кетган турли соҳалардаги асарларининг оммалаштирилиши, буюк алломалар ва улуғ аждодларимизнинг муборак номлари ва мероси халққа қайтариб берилиши, миллий қадриятларимиз ривож учун шароит яратилгани буюк неъмат бўлди ва миллатнинг келажак тараққиётига қудратли туртки берди.

Шаҳобиддин ПАРПИЕВ,

Асака туман-шаҳар бош имом-хатиби



ИСЛОМ ВА ОЛАМ



Бош котибнинг табриги



Ислом Конференцияси Ташкилоти бош котиби Акмалуддин Эҳсонўгли бутун дунё мусулмонларини Қурбон ҳайити билан табриклади. Ушбу табрик матни оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғида эълон қилинди.

ИКТ раҳбари Қурбон ҳайити муносабати билан бутун Ислом оламида аҳиллик ва бирдамликни янада мустаҳкамлашга, ҳар қандай зиддият ва ихтилофлардан баландда туришга чақирди.

Шунингдек, у фурсатдан фойдаланиб дунё мусулмонлари эътиборини Яқин Шарқда тинчликка эришиш, табиий офатдан жафо чеккан покистонликларга ёрдам кўрса-тиш каби долзарб муаммоларга қаратди.

Ироқ-Эрон алоқалари

Ироқ парламенти-нинг янги сайланган раиси Усома ал-Нужайфий Бағдодда Эрон элчиси Ҳасан Доноифар билан учрашди. Учрашувда Нужайфий Ироқ Эрон билан ўзаро ҳурмат ва ички ишларига аралашмаслик асосида яхши муносабатлар ўрнатишга интилаётганини маъ-



лум қилди. У айниқса савдо-иқтисодиёт соҳасида яқин ҳамкорлик тарафдори эканини айтди.

Эрон элчиси Яқин Шарқда, жумладан, Эронда ҳам тинчлик, барқарорлик кўп жиҳатдан ушбу икки мамлакат ўртасида дўстона алоқалар мустаҳкамланишига боғлиқ эканини таъкидлади.

Исроил мусулмонлари



2009 йил охирида эълон қилинган маълумотларга кўра, Исроил аҳолиси етти ярим миллиондан ошади. Мамлакатда бир миллион уч юз мингга яқин мусулмон бор. Улар-

нинг ярмидан кўпроғи Хайфа шаҳри ва шимолий туманларда яшашади. Қуддус шаҳрида уч юз мингга яқин мусулмон бор. Улар шаҳар аҳолисининг учдан бир қисмини ташкил этишади.

Аҳолини рўйхатга олувчилар қайд этишича, аҳоли мунтазам кўпайиб борапти. Ҳар бир мусулмон аёлнинг уч-тўрт фарзанди бор. Бу эса қўшни Ливан, Сурия, Мисрдагидан кўп. Мамлакат университетларининг салкам етти фоизи мусулмон фарзандларидир.

Қурбон ҳайитига Австралия қўйлари

Қурбон ҳайити арафасида Австралия чорвадорлари Яқин Шарқ мамлакатларига салкам бир миллион бош қўй етказиб беришди. Улар иссиқ иқлим шароитида қўйларни боқиш, уловда ташиш бўйича Қатар, Баҳрайн чўпонларидан тажриба ўрганишди.





Чорва ҳайвонларини экспорт қилувчи Австралия ширкати мутахассиси Питер Дандон ўтган йили австралияликлар Яқин Шарқ мамлакатларига салкам уч юз миллион долларлик уч миллион бош қўй келтиришганини айтди.

Баҳрайндаги анжуман

Баҳрайнда молиячиларнинг Бутунжаҳон ўн еттинчи анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда элликдан ортиқ мамлакатдан биринг икки юздан зиёд мутахассис



иштирок этди. Тадбирга Баҳрайн қироллиги Марказий банки ҳомийлик қилди. Баҳрайн Молия биржаси ҳам анжуман ташкилотчиларидан бўлди. Анжуман доирасида ихтисослаштирилган кўргазма ташкил этилди.

Анжуман қатнашчилари ривожланаётган мамлакатларда сармоя ётқизиш бўйича тажрибали мутахассис Марк Мебиуснинг маърузаларини тинглашди.

Араб-Ислом маданияти йиллиги



Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўлими (ЮНЕСКО) араб-Ислом маданияти йиллигини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорга кўра, дунёнинг турли мамлакатларида саксондан ортиқ халқаро маданий тадбирлар ташкил этилади.

"Маданиятлар мулоқоти" шиори остида ўтадиган ушбу тадбирларнинг биринчиси Франция пойтахти Париж шаҳрида бўлди. Тадбир машҳур Ислом олими, шоир Муҳаммад Иқбол хотирасига бағишланди.

Шунингдек, анжуман доирасида "Форобий ва Оврупа уйғониш даври" мавзуида симпозиум ташкил этилди.

Макка ва Мадина тўлқинларида

Саудия Арабистони Маданият ва ахборот ва зирлигида ўтган ҳаж мавсумини ёритиш масалаларига бағишланган танатанали қабул маросими ўтказилди.



Маросимда вазир Абдул Азиз Ҳожи мамлакат ҳукуматининг икки муқаддас масжиддан узатиладиган радиоэшиттиришлар ҳажмини кенгайтириш ҳақидаги режаларини маълум қилди. Унинг айтишича, икки муқаддас масжид ходими қирол Абдуллоҳ ибн Абдул Азиз эшиттиришлар ҳажмини кунига 12 соатга етказишни буюрган.

Марям сураси тафсирига бағишланди

Буюк Британия Қуръон тадқиқотлари академиясида Марям сураси тафсирига бағишланган ўқув курслари ўтказилди. Ўқувни ушбу академия Лидс



университети билан ҳамкорликда ташкил этди. Лондондаги Кингстон университети аспиранти Мустаҳфиз Фани ушбу сура оятлари маъноларини тингловчиларга тушунтириб, дарслар ўтди.

Сизга маълум, ушбу сурада Исо пайғамбарнинг (алайҳиссалом) онаси Имрон қизи Марям ҳақида, Ҳазрати Исонинг туғилиши тўғрисида баён этувчи ояти карималар бор.

Қуръон тадқиқотлари академияси тараққиёт ва тадқиқотлар бўйича Британия Ислом институтининг филиали ҳисобланади.

Узоқ Шарқда Ислом маркази

Россия Федерациясининг Осиё қисми муслмонлари бошқармаси Хабаровск ўлкаси вакили Абулқосим Абдуллаев маълум қили-





шича, Комсомолск-на Амуре шаҳрида Ислоҳ маркази қурилиши бошланди.

Бу ерда қурилаётган жоме масжиди бир минг тўрт юз кишига мўлжалланган. Марказда, шунингдек, мадраса, кутубхона, дўкон, ошхона ҳам барпо этилади.

Маҳаллий мусулмонлар жамоаси раҳбари айтишича, ҳозир бу шаҳарда ўттиз мингдан ортиқ мусулмон яшайди.

Эксперт ҳайъатининг илк йиғилиши



Москва шаҳрида Россия муфтийлар кенгаши эксперт ҳайъатининг биринчи мажлиси бўлди. Мажлисни кенгаш раиси Равил Файнутдин бошқарди.

Эксперт ҳайъати ташкилий, маъмурий-ҳуқуқий масалаларни ҳал этишда Россия муфтийлар кенгашига ёрдам, маслаҳат беради. Ҳайъат йиғилиши ойда бир марта ўтказилади.

Биринчи йиғилишда масжидлар қурилишига, китоблар нашрига, Москва шаҳрида мусулмонларнинг биринчи умумворапа анжуманини ўтказишга доир масалалар муҳокама этилди.

Бир ярим аср олдин қурилган масжид




Шимолий Осетиянинг Беслан шаҳрида бир ярим асрдан илгарироқ – 1847 йили қурилган жоме масжид таъмирдан чиқарилди. Ҳозир ушбу жомеда уч юз киши тоат-ибодат қилиши мумкин.

Масжиднинг очилиш маросимида Шимолий Осетия президенти Таймураз Мамсуров иштирок этди. У Правобережний туманида Шимолий Осетия мусулмон аҳолисининг ўттиз фоизи яшашини, шунингдек, қачонлардир ушбу қадимий масжидда бобоси имом бўлиб ишлаганини таъкидлади.

Бу йил ҳам беш мингдан ортиқ юртдошимиз муборак ҳаж сафарига бориб келди. Улардан айримларининг сафар таассуротлари билан танишинг.

ҲАЖ БИЗГА ТАЪЛИМ БЕРДИ



Яратганга шукрлар бўлсин, бу улуғ ибодатни бажариш менга ҳам насиб этди. Олдин Мадинада Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) равзаларини зиёрат қилдик. Кейин Маккага келдик. Мамлакатимиз раҳбарияти эътибори ва ғамхўрлиги туфайли ҳаж сафаримизда машаққатлар бўлмади. Кулай, Байтуллоҳга яқин меҳмонхонага жойлашдик. Ишчи гуруҳи аъзолари ўз вақтида озиқ-овқат, улов билан таъминлаб туришди. Дўхтирлар хизматларини аъло даражада бажаришди. Бу неъматлар шукрини қилишимиз керак.

Инсон яхши амали, чиройли хулқи билан муқаррам бўлиши ҳажда кўпроқ билинаркан. Барча кенгфёъл, очиқчехра, камтар; ҳеч ким бир-бирига озор бермайди. Ҳаж ибодати одамга маълум маънода яхши тарбия ҳам беришига амин бўлдим.

Зухра ҒАФУРОВА,
Шайхонтоҳур тумани

ҚАЛБЛАР ФАҲРГА ТЎЛДИ

Учоққа чикқанимдан кўнглимда ажиб туйғулар жўш урди. Аллоҳнинг Каъбасига, Пайғамбаримиз масжидларига бориш, у ерларда ибодат қилиш, Қуръон оятлари тушган жойларни кўриш менга ҳам насиб этганидан ҳаяжонда эдим.

Олдин уч кун Мадинада бўлдик. Ҳар тонг зиёрат учун йўлга чиқамиз. Элликбошимиз қўлида Ватанимиз байроғи. Бундан қалблар фаҳрга тўлди. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) масжидларида намоз ўқидик. Тўртинчи куни Маккага бордик. Ҳажнинг фарз, вожибларини бажаришга киришдик. Бу ерда турли миллат вакиллари йиғилган. Гарчи рангимиз, турмуш тарзимиз ҳар хил бўлса-да, сафларда бирдам, ибодатда тенгимиз...

Ҳожиларимизга чиройли шароитлар яратиб берган мамлакатимиз раҳбариятига миннатдорлик билдирамиз. Дуолар ижобат бўладиган ерларда элимиз тинчлигини, Ватанимиз равнақини, фарзандларимиз бахт-саодатини тилаб илтижолар қилдик.

Қумринисо АБДУВАЛИЕВА,
Ҳамза тумани





ЭЪТИҚОД МУСАФФОЛИГИ ЙЎЛИДА

Барча пайғамбарлар, жумладан, Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоху алайҳи ва саллам) инсонларни ягона илоҳга - Аллоҳ таолога сифинишга чақирганлар.

Бу ҳақда Куръони каримда бундай марҳамат қилинган: «Илоҳингиз ягона илоҳдир, Ундан ўзга илоҳ йўқдир, (У) меҳрибон ва раҳмлидир» (*Бақара, 163*); «Албатта, Аллоҳ ягона илоҳдир. У фарзандли бўлишдан покдир. Осмонлардагию Ердаги нарсалар Уникидир. Аллоҳ вакилликка кифоядир» (*Нисо, 171*); «Сиздан илгари Биз юборган ҳар бир пайғамбарга ҳам: "Мендан ўзга илоҳ йўқ, бас, Менга ибодат қилингиз!" деб ваҳий юборганмиз» (*Анбиё, 25*).

Муоз ибн Жабалдан (розийаллоху анху) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): "Эй Муоз, Аллоҳ таолонинг бандаларда ва бандаларнинг Аллоҳ таолодаги ҳаққи нималигини биласанми?" дедилар. Мен: "Аллоҳ ва Расули билувчидир", дедим. Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): "Бандаларнинг фақат Аллоҳ таолога сифинишлари, Унга бирор нарсани шерик қилмасликлари Аллоҳ таолонинг бандалардаги ҳаққидир. Аллоҳ таоло Ўзига бирор нарсани шерик қилмагани азобламаслиги бандаларнинг Аллоҳ таолодаги ҳаққидир", дедилар. Мен: "Ё Расулуллоҳ, одамларга бундан етказайми?" дедим. Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): "Уларга айтма, бунга суяниб қолишади", дедилар» (*Имом Бухорий, Имом Муслим*).

Усмон ибн Аффон (розийаллоху анху) ривоят қилади: «Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва сал-

лам): "Аллоҳ таолонинг ягона ҳақиқий илоҳлигига иқрор бўлиб вафот этган жаннатга қиради", дедилар» (*Имом Муслим*).

Аллоҳ таолонинг ягона ҳақиқий илоҳлигига иқрор бўлиш қуйидагиларни тақозо қилади:

1. *Ёлғиз Аллоҳ таологагина ихлос билан ибодат қилишни.* Куръони каримда бундай дейилган: «Ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилайлик, Унга ҳеч нарсани шерик қилмайлик ва Аллоҳни кўйиб бир-бирларимизни илоҳ қилиб олмайлик» (*Оли-Имрон, 64*).

2. *Сохта "илоҳ"лардан халос бўлишни, уларга сифинган, уларни дўст тутганлардан узоқлашишни.* Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилган: «Бас, ким шайтон (ёхуд бутлар)-ни инкор этиб, Аллоҳга имон келтирса, демак, у бузилмас, ишончли халқани ушлабди» (*Бақара, 256*).

3. Ширкнинг барча турлари ва даражаларидан сақланишни, ҳамда унга олиб борадиган йўллардан эҳтиёт бўлишни. Аллоҳ таолодан бошқага ибодат қилиш, Ундан ўзгалардан ҳожатларини сўраш, яхшилик ва ёмонликни Аллоҳ таолодан бошқадан деб эътиқод қилиш ширк ҳисобланади. Аллоҳ таоло айтади: «Ким Аллоҳга ширк келтирса, демак, у улкан гуноҳни тўқиб чиқарибди» (*Нисо, 48*); «Уларнинг аксарияти Аллоҳга фақат мушрик ҳолларидагина "имон" келтирадилар» (*Юсуф, 106*).

Аллоҳ таоло барчаларимизга Унинг ўзигагина имон-эътиқодли бўлиб, эзгу ва савобли амалларни қилиб, ёмонликлардан йироқ бўлишимизни насибу тўзи айласин.

Абдулҳамид ТУРСУНОВ,
идора фатво бўлими мудири

ОҚНИ ҚОРАДАН АЖРАТАЙЛИК

Ахборот соҳасида кечатган жараёнлар бизни доим огоҳ бўлишга, соф диний, миллий кадриятларимизни сохта талқинлардан фарқлашга, химоя қилишга ундайди. Чунки бузғунчи ва мутаассиб оқимлар дин номидан иш кўриб, уни қоралашга зўр беришяпти. Шу боис баъзилар динимиз ҳақида хато фикрларга боришмоқда.

Ҳар бир имом-хатиб, ҳар бир зиёли одам ғаламисларнинг бундай хатти-ҳаракатларига фарқсиз, лоқайд қараб турмаслиги керак.

Ислом дини кишиларни фақат яхшиликка чақиради. Юрагида Аллоҳга муҳаббати бор, ўзини мусулмон деб билган киши ҳеч кимга ёмонлик истамайди. Бугун атрофимизда бўлаётган ҳар бир воқеа, ҳодисани ақл билан баҳолаб, сўнг хулоса чиқармоғимиз, оқни қорадан, яхшини ёмондан ажрата билишимиз керак. Огоҳлик давримизнинг энг муҳим талаби эканини унутмайлик.

Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ,
Қамаши тумани "Чим" жоме
масжиди имом-хатиби

Ота юрт соғини, меҳрини туйдим

Абдусайд НУРБОЕВ

Насиҳат

Уйғон, болам, тонгда тур,
Тўрт мучангни соғ кўрай.
Ўқи, ишла, тўғри юр,
Димоғингни чоғ кўрай.

Ёлғон айтма, тилингдан
Кушлар чўқиб кетади.
Қинғир юрма, изингдан
Итлар ҳуриб келади.

Ораста бўл, тоза юр,
Нур таралсин юзингдан.
Эзгуликлар акс этсин
Чакнаб турган кўзингда.

Саломингни тўкис бер,
Кулиб қара, тик қара.
Чин юракдан тўккин тер,
Юрт оғирига яра.

Уйғон, болам, тонгда тур,
Тўрт мучангни соғ кўрай.
Ўқи, ишла, тўғри юр,
Димоғингни чоғ кўрай.



Тўртликлар

* * *

Узун орзу қилма, қаноат - бойлик,
Меҳнат-ла топганинг қандай чиройлик.
Озми-кўп, бориға шукр қилайлик,
Нафсу ҳирсимизга инсоф тилайлик.

* * *

Мендан мерос қолмас одобдан бўлак,
Хаё, сабр, яхши одатдан бўлак.
Тавбамни қабул эт, Қодир Эгамсан,
Хайратим йўқ энди хайратдан бўлак.

* * *

Ота юрт соғинчи, меҳрини туйдим,
Отам соғингандай соғиндим, суйдим.
Хидладим, тупроғин хидига туйдим,
Қадам босмасимдан пешонам кўйдим.

* * *

Ё Тангри, энг олдин кулфатдан асра,
Кулфат келтирувчи улфатдан асра.
Субутсиз, сабрсиз, дардисар гумрох,
Кулоқсизу қалби зулматдан асра.

Қўшработ тумани



Салим РИХСИЕВ

Излайди

Банданг икки дунё бахтин кўзлайди,
Кўнглин очар Сенга, холин сўзлайди.
Тилда шукронаю дилда истиғфор,
Сенинг ризолигинг йўлин излайди.

Умид

Умид ўзингандир, йўлим эт равон,
Дунё айвонида кезибман хайрон.
Олдинда неларни кўражак кўзим,
Раҳматинг-ла ёруғ айлагин юзим...

Измингда

Меҳринг уммон, лекин манманга ётсан,
Банда не тиласа, бергувчи Зотсан.
Сенинг измингдадир еру коинот,
Сенинг измингдадир ҳаёту мамот.

Сени ёд айласам

Сени ёд айласам, қалбимда баҳор
Нафаси гуркираб, хушнуд этади.
Сени ёд айласам, тез учар хаёл,
Гўё жаннатларга бошлаб кетади.



Тавба

Тавбадир дилларни покловчи амал,
Истайманки, тавбам бўлсин мукамал.
Кун келар яхшилик, савоб асқотар,
Чин тавба ортида шодликлар ётар.

Тошкент



Имомларимиз ижоди

Шермурод ДҮНГБОВЕВ

КИМ СУКУТНИ ДҮСТ БИЛСА

Ким сукутни дўст билса,
Тилини маҳкам тутгай.
Ақлини чархлайди у,
Асабларин совутгай.

Ким сўзини кўп қилар,
Кўп қулар - қалби қотар.
Одоб йўлидан тойиб,
Обрў, хайбат йўқотар.

* * *

Асал ялаб жисму жонинг яйрайди,
Имон лаззатидан кўнгил қувнайди.
Аччиқтош болнинг ҳам таъмин булғайди,
Хасад имонингни вайрон айлайди.

* * *

Сабру каноат-ла қадам ташлаган
Синовлар сўнгиди фароғат топгай.
Фарзандларин яхшиликка бошлаган
Умр боғининг бол мевасин тотгай.

* * *

Тилни берди яхши сўзлар айтгин деб,
Зикр қилгин, илму файз кўпайтгин деб.
Инсонларга озор берма тил билан,
Ғийбатлардан, лағвлардан қайтгин деб.

* * *

Мушкул тушса бошингга, кўп шукр қил,
Аллоҳ номин ихлос ила зикр қил.
Олимларнинг суҳбатидан хузур қил,
Хукамолар ҳикматини фикр қил.

Тошкентдаги «Тинчлик»
жоме масжиди имом-хатиби



Розия Шодиева “Оила марвариди”
(“Ҳидоят”, 2010 йил, 3-сон) мақоласида
“Аёл қачон оила марваридига айланади?”
деган саволга: “Оилада бирор етишмовчи-
лик бўлса, “Аллоҳ сабрлилар билан бирга-
дир” оятини ёдда тутиб, эрига қош чи-
мирмай, ширин сўз билан кўнглини кўта-
риб, ишларига барака тилаганида...”, деб
жавоб беради.

**СИЗЛАРНИНГ
ЯХШИЛАРИНГИЗ...**

Хар бир аёл оиласининг марвариди бўлишни
истайди. Аммо рўзгор ташвишлари сабаб баъзи за-
ифалар нафосатни унутишади. Хатто фарзандлари
билан ҳам дилдан суҳбатлашишмайди. Бу ҳол на-
фақат оила, балки жамият учун ҳам зарарлидир.

Бир даврада ёш қизнинг: “Баъзи эрлар дангаса
бўлиб кетган. Рўзгор ташвишлари аёлларга қолган.
Болам-чакам деб елиб-югурадиганлари ҳам бор, ма-
салан, кўшнимиз шунақа одам...” дегани мени хай-
рон қолдирди. Қизча ҳаётда нимани кўрди-ю, эр-
каклар ҳақида бундай фикрга борса... Кейин бил-
дим, у ойиси билан бозорда савдо қиларкан. Дада-
си ҳеч қаерда ишламас, кўпинча ошналари билан
улфатчилик қилиб вақтини ўтказаркан. Қизча да-
дасининг аҳволини кузатиб, шундай фикрга кел-
ган. Аммо қиз кўшни эркакни ҳам гапирди. У дада-
сидек кун бўйи уйда ўтирмайди. Аёлига, фарзанд-
ларига ширинсўз. Болалари вақтида мактабга бо-
ради. Қизчанинг наздида “яхши бўлган” кўшни ас-
лида ҳамма учун ҳам яхши одам эмасми?!

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Сизларнинг
энг яхшиларингиз оила аҳлига яхши бўлгани-
дир. Мен аҳлига энг яхши бўлганингизман”, де-
ганлар. Дарҳақиқат, эркакларнинг энг яхшиси
оиласига яхши муносабатда бўлгани, оила масъ-
улиятини тўла елкасига олганидир. Эркаклари-
миз яхши дада бўлишга интилишсин. Фарзанд-
ларимиз дадасининг ҳатти-ҳаракатидан, феъл-
атворидан хурсанд бўлиб юришсин...

ШУКРОНА

Қуръони каримда зикри келган пайғамбарлар номи билан боғлиқ бир қанча маскан ва зиёратгоҳлар юртимизда ҳам бор. Пайғамбарларнинг ушбу маконларга келгани ёки дафн этилгани ҳақида аниқ далил-ҳужжатлар йўқ. Аммо халқ орасида бу жойлар қадимдан пайғамбарларга нисбат бериб келинган.

ПАЙҒАМБАРЛАР НОМИ БИЛАН АТАЛГАН ЖОЙЛАР



ҲАЗРАТИ ХИЗР МАСЖИДИ

Ҳазрати Хизр (алайҳиссалом) номи билан аталган жойлар Ўзбекистоннинг турли шаҳар ва қишлоқларида учрайди. Самарқандда, Афросиёб давлат қўриқхонасидан ўтган Тошкент шоҳкўчасида, Шоҳизинда мажмуасининг шимоли-ғарбидаги тепалиқда жойлашган кўҳна масжид Хизр (алайҳиссалом) номи билан аталади. Тарихчилар бу масжидни Қутайба ибн Муслим милодий 713 йили қурдирган, Самарқандда у асос солган биринчи масжиддир, дейишади. Масжидни 1860-1865 йиллари Бухоро амири Музаффархон тубдан қайта қурдирган.

Бухоро шаҳри ва унинг атрофида ҳам Ҳазрати Хизр номи билан аталган жойлар талайгина. Абдуҳолиқ Фиждувоний-

нинг "Мақсадус соликин", Муҳаммад Боқирнинг "Мақомоти Шоҳи Нақшбанд", Али Сафийнинг "Рашаҳоту айнул ҳаёт", Шайх Олим Азизоннинг "Ламаҳот" асарларида Бухородаги Ҳазрати Хизр номи билан аталган жойлар санаб ўтилган (*Садриддин Салим Бухорий, "Икки юз етмиш етти пир", 13-бет*).

Хизр (алайҳиссалом) ҳақларида Қуръони каримда бундай хабар қилинган: "(Мусо деди): **"Мана шу биз истаган нарса эди". Сўнгра (Хизрни) қидириб, изларига қайтдилар. Бас, бандаларимиздан бирини (Хизрни) топдилар. Биз унга Ўз даргоҳимиздан раҳмат ато этган ва Ўз ҳузуримиздан илм берган эдик"** (*Каҳф, 64-65*).

ҲАЗРАТИ ЗУЛКИФЛ МАЖМУАСИ

Сурхондарё вилояти маркази Термиз шаҳри яқинида Зулкифл (алайҳиссалом) номи билан аталган бир мажмуа бор. Мажмуада милодий ўн биринчи-ўн иккинчи асрларга оид қабр, масжид, чиллаҳона ва шу каби иншоотлар мавжуд.

Зулкифл (алайҳиссалом)

Қуръонда зикри келган пайғамбарлардан, Айюбнинг (алайҳиссалом) ўғлидир. Зулкифл (алайҳиссалом) румликларга пайғамбар қилиб юборилган, халдейлар, шомликлар ва румликларни имон-эътиқодга чақирган. Уларнинг кўплари имонга келиб, Зулкифлга (алайҳиссалом) эргашишган. Зулкифлнинг (алайҳиссалом) қабри Ироқнинг Ҳилла деган жойида. Зулкифл (алайҳиссалом) Қуръони каримнинг бир неча оятларида эсла-нади.

ХОЖА ДОНИЁЛ МОЗОРИ

Абу Тоҳирхожанинг "Самария" асарида бундай келтирилган: "Хожа Дониёл мазори шаҳар ташқарисида, шимол томонда, Афросиёб қўғони кунчиқар томонида, Сиёҳоб ариғининг ёқасидадир. Авом уни Дониёл пайғамбарнинг қабри, дейди. Унинг (Дониёлнинг алайҳиссалом) мазори Мўвсул вилоятидадир (ҳозирги Ироқда). Дерларки, у (Дониёл) Аббос ўғли ҳазрати Қусамнинг (Тангри ундан рози бўлсин) ёронларидан эди ва шу ерда кўмилгандир... У зотнинг муборак бошлари (тарофидан)... булоқ чиқиб, Сиёҳоб ариғига қуяди. Халқ унинг суви-дан ичади ва чўмилади, кўп касалликлар шифосига сабаб деб билади" (*"Самария", 152-153-бетлар*).





БИР САВОЛ СЎРАСАМ

Тарих фанлари номзоди Раҳматуллоҳ қори Обидовнинг "Пайғамбарлар тарихи исломият тарихидир" китобида келтирилишича, Дониёл (алайҳиссалом) Бани Исроилнинг пайғамбарларидан эди. Бобил подшоҳи Бухтуннаср Байтул муқаддасни вайрон қилиб, Бобилга қайтганидан кейин, у ердан асир қилиб олиб келинган Дониёлни (алайҳиссалом) икки шер сақланаётган қудуққа ташлатди. Аммо Аллоҳ таоло иродаси билан шерлар пайғамбарга тегишмади. Абул Ашъас Аҳмарий айтишича, Пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳиссалом): "Дониёл (алайҳиссалом) Парвардигорига: "Мени Муҳаммад умматлари дафн этсин", деб дуо қилган эди", деганлар.

Улуғ саҳобалардан Абу Мусо Ашъарий (розийаллоҳу анҳу) Тустар шаҳрини фатҳ этганида у ердан бир тобут топди. Унда Дониёл (алайҳиссалом) жасади, бош тарафида саҳифалар ёнида, қадимий тангалар ва пайғамбарлик узуги солинган тери ҳамёнча бор эди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Ким Дониёлнинг қабрини кўрсатса, унга жаннат башоратини беринглар", деган эдилар. Абу Мусо Ашъарийга тобут турган ерни Ҳарқус исмли киши кўрсатган. Абу Мусо Умар ибн Хаттобга (розийаллоҳу анҳу) топилган тобут ҳақида хабар юборди. Ҳазрати Умар жавоб мактубида: "Тобутдагини дафн эт, Ҳарқусни ҳузуримга юбор, Расулulloҳ (алайҳиссалом) унинг жаннатий экани башоратини берганлар", деб ёзди.

Абу Мусо (розийаллоҳу анҳу) тўрт кишига буюриб, дарёни тўсди. Кейин унинг ўртасига қабр кавлатиб, унга Дониёл (алайҳиссалом) жасадини кўмди ва устидан дарё сувини очиб юборди. Шундай қилиб, Дониёл (алайҳиссалом) кўмилган жой сирлигича қолиб кетди.

Суюндик МУСТАФО
тайёрлади.

Савол: Аҳли сунна ва жамоа ақидасида тўртта фикҳий мазҳаб борлигини биламиз. Лекин у мазҳаблар қайси мамлакатлар ва ҳудудларда тарқалганини кўплар билмайди. Сиздан илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз (*Фатхуллоев Абдусалом. Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри, 5-кичик даҳа, 14-уй, 33-хонадон*).

Жавоб: Аҳли сунна ва жамоа ақидасида бўлган тўрт фикҳий мазҳаб ханафий, моликий, шофиий, ханбалий мазҳабларидир.

1. Ханафий мазҳабининг асосчиси Имоми Аъзам Нўъмон ибн Собитдир (раҳматуллоҳи алайҳ. 80-150 ҳижрий йиллар). Кунялари Абу Ханифадир. Бу мазҳаб Туркия, Болқон ярим ороли, Шимолий Кавказ, Қора денгиз бўйлари, Волгабўйи, Марказий Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон, Хитойгача бўлган даштлар, Индонезия ва Малайзия оролларида бўлган ҳудудларда тарқалган.

2. Моликий мазҳабининг асосчиси Имом Молик ибн Анасдир (раҳматуллоҳи алайҳ. 95-179 ҳижрий йиллар). Моликий мазҳаби қисман Саудия Арабистони, Шимолий Африка, Андалусия (Испания) ҳудудларида тарқалган.

3. Шофиий мазҳабининг асосчиси Имом Шофиий Муҳаммад ибн Идрисдир (раҳматуллоҳи алайҳ. 150-204 ҳижрий йиллар). Шофиий мазҳаби Миср, Сурия, Фаластин, Ироқ, Кавказ ва Ҳижоз (Арабистон ярим ороли) ҳудудларида тарқалган.

4. Ханбалий мазҳабининг асосчиси Имом Аҳмад ибн Ханбалдир (раҳматуллоҳи алайҳ. 164-241 ҳижрий йиллар). Бу мазҳаб Саудия Арабистони, Халиж мамлакатлари, қисман Ироқ ва Сурия ҳудудларида тарқалган.

Савол: Наҳм сурасининг 14-оятда «Сидратул мунтаҳо дарахти олдида...» (*Абдулазиз Мансур. "Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири", 526-бет, Тошкент, 2006 й.*), дейилган. Илтимос, шу сўзни шарҳлаб берсангиз (*Тошкент Ислом институти талабаларидан тушган савол*).

Жавоб: Муфассирлар оятдаги "сидра"ни еттинчи осмондаги набақ дарахти, "мунтаҳо"ни интиҳо ўрни деб тафсир қилишган. Фаришталар ва бошқалар ўша дарахт олдида бўлган нарсаларни билад олишади. Ундан нарида нималар борлигини Аллоҳ таолодан бошқа билмайди.

"Сўраган эдингиз", 14-китобдан олинди.

ОНА ТАБИАТНИ АСРАЙЛИК

Биз ҳар доим табиат сўзига она иборасини қўшиб айтаемиз. Чунки бола она бағрида эмин-эркин ўсиб-улғайгани каби инсоният ҳаёти ҳам теварак-атрофимизни ўраб турган мана шу борлиқ, табиат кўйида кечади. Шу боис табиатга онага каби эъзозли муносабатда бўлиш талаб этилади. Аллоҳ таоло уст-бошимиз, овқатимиз учун керак бўладиган барча неъматларни табиат бағрига жойлаган.

Қуръони каримда бундай марҳамат қилинади: **“У ерни сизлар учун бешик (қароргоҳ) қилиб кўйди ва унда йўллар пайдо қилди ҳамда осмондан сув (ёмғир, қор) ёғдирди. Бас, у (сув) билан турли ўсимликлар навларини ундириб чиқардик”** (Тоҳа, 53).



Ернинг усти ҳам, ости ҳам бизга берилган. Тирикликда ер устида бўлсак, вафот этганимиздан кейин унинг бағрига сингамиз. Шундай экан, она ерни обод қилиб, яшаб турган жойларимизни

пок тутсак, ўзимиз ва барча инсонлар учун қайтган бўламиз.

Аллоҳ таоло бизга ато этган улуғ неъматлардан бири сувдир. Сувсиз ҳаётимизни тасаввур қилолмаймиз. Ер юзи табиати учун оқар сувлар гўё инсон танасидаги қон каби муҳимдир. Олимлар таъкидлашчи, жисмимизнинг асосий қисмини, яъни, етмиш икки фоизини сув ташкил этаркан. Аммо бугун тоза оқар сувларнинг қадрига етяпмизми? Илгарилари ариқлардан бемалол сув ичардик. Энди бунинг иложи йўқ. Чунки уларга ҳар хил чиқиндилар ташланади. Баъзан ариқларда елим идишлар, меваю қовун-тарвуз пўчоқларини кўриб, ҳайрон қоласиз.

Теварак-атрофдаги дов-дарахтларни олинг. Аллоҳ таоло нафас олишимизни уларга боғлиқ қилди. Дарахтлар бизга ҳавони тозалаб беради. Бугун қанча дарахт эқяпмизу қанчасини кесяпмиз? Ривоят қилинишича, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким дарахт экса ва уни авайлаб-асраса, мева бер-

гунича парваришласа, меvasидан одамларга етган ҳар бир фойда учун Аллоҳ ҳузурини унга ажр-савоблар бўлади”, деб марҳамат қилганлар. Демак, эккан дарахтингиз меvasидан, соясалқинидан одам боласи ёки қушлар фойдаланадими, савоби сизга ёзилверади.

Америкадан Оврупагача битта учоқ саккиз соат уцади ва етмиш беш тонна кислородни йўқ қилади. Ҳолбуки, шунча миқдордаги кислородни йигирма беш-ўттиз минг гектарлик ўрмон саккиз соатда етказиб бера олади. Ҳисоб-китобларга кўра, ҳар бир енгил машина йилига тўрт тоннагача кислород ютиб, ҳавога саксон кило углерод, қирқ килога яқин оксидланган азот, яна икки юз кило турли зарарли газлар ишлаб чиқариб, ҳавони булғайди.

Шу ўринда яна бир гап. Зомин тумани юртимизнинг сўлим жойларидан. Бу ерда дунёда кам учрайдиган ўсимлик дарахтларнинг, ҳайвонларнинг бир қанча турлари бор. Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоб”ибига ҳам киритилган. Аммо айримлар билиб-билмай баҳосиз бойлигимиз бўлган ўсимлик оламига зарар етказишади. Тоғ ён-бағирларида ўсувчи ноёб арчаларни кесиб кетишади. Баъзан туманимизга дам олгани келган одамларнинг тоғларда ўт ёқиши боис йиллар давомида авайлаб-асраб ўстирилаётган арчалар ёниб кетади. Улар ўзларининг бир кунлик роҳатини ўйлаб, табиатга қанча катта зарар етказяётганини билишармикан?

Динимиз дарахтларни парвариш қилмай, қуритиш ёки сабабсиз кесишдан қайтарган. Ислон динида табиатни асраш вожиб амаллардан саналади – буни ҳар бир мусулмон яхши билмоғи керак.

Шу ўринда айтиш жоиз, агар баҳорда ҳар биримиз ҳовлимизга, кўчаларимизга уч тупдан ниҳол эксак, бу ишимиз билан табиатдаги мувозанатни сақлашга ва юртимизни обод этишга ҳисса қўшган бўлардик.

Бу дунёда яшаётган барча инсонлар худди бир кемага чиққан йўловчилар каби. Агар кеманинг бир жойи дарз кетса, барчага зарари тегади. Хуллас, ҳаётимизга керакли она табиатни асрашга барчамиз масъулмиз.

Ғайрат ЎЗБЕКОВ,
Зомин тумани “Исаҳон ота”
жоме масжиди имом-хатиби





Бир киши заргар ҳузурига келиб:

– Илтимос, менга олтин зарраларини ўлчайдиган кичик тарозингизни бериб турсангиз? – деди.

– Дўконимда супурги йўқ, – деб жавоб берди заргар.

– Мен сизга нимани гапиряпман-у, сиз нима деб жавоб беряпсиз? – деди сўраган одам.

– Элакни кимдир олган эди-я,

– деб жавоб қилди заргар.

КЎЛИНГДАН КЕЛМАСА, УРИНМА

– Сиз кар эмассиз, яхши эшитасиз, буни биламан, – деб жаҳли чиқди сўровчининг.

– Нега бир нарсани сўрасам, нукул бошқа нарсани гапирасиз?!

Шунда заргар жавоб берди:

– Мен тарози сўраётганингизни билиб турибман. Аммо кўлингиз қалтирашини ва олтинларни сочиб юборишингизни ҳам сезяпман. Сочилган зарраларини йиғиб олиш учун албатта супурги сўрайсиз. Кейин эса тупроқдан олтинни ажратиш учун элак сўрайсиз. Бир қарашдаёқ бу ишга қобилиятингиз йўқлигини пайқадим. Шу боис супурги ва элак ҳақида гапирдим. Чунки ҳар ким кўлидан келадиган иш билан шуғуллангани маъқул.

Форсчадан
Носир МУҲАММАД
таржимаси



БОЛАЛАРИМ ТУФАЙЛИ...

"Фарзанд аёл кишининг кўлоғини боғлайди", деганлар адашишади. Мен болаларим сабаб мисоли кўлмак сувдан оқар дарёга айландим...

Илгарилари ойнайижаҳонда бир кўрсатув бўларди. Унда болалар ота-оналарига савол беравериб, ҳол-жонларига кўйишмасди. Бир куни ўша кўрсатувни ҳаммамиз мароқ билан томоша қилдик. Бари ўшандан бошланди. Болаларим: "Ойи, дада, бизнинг ҳам саволларимиз кўп, сизлар ҳам қочиб кетмайсизларми?" дея содда, аммо жавоби мураккаб саволларни бера бошлашди. Шунда мен ҳафтанинг душанбаси савол-жавоб куни бўлишини таклиф қилдим. Биринчи душанбадаёқ йигирма бешта савол тушди. Аранг тўрттасига жавоб бердик. Саволлар ёзилган варақни чўнтагимга солиб кўйдим. Ташвишлар билан уни унутдим. Ишдан қайтсам, кираверишга қизиқ бир жадвал осиб кўйишибди. Бу жадвал жавобларга кўйилган баҳолар эди.

Эртасига институт кутубхонасига боришга мажбур бўлдим. Саволларга жавоб топиш мумкин бўлган китобларни излай бошладим. Бир талай китобларни йиғиб олдим. "Ернинг киндиги борми?"; "Ер нимага тушиб кетмайди?"; "Фазогирлар нега искафандир кийишади?"; "Дунёда сув тамом бўладими?"; "Нина танага кирса, нега оғрийдими?" каби саволлар...

Болалар олдида изза бўлишдан ёмони йўқ. Бир томони уларга кўшилиб ўзимнинг ҳам билимим ошади. Шундан кейин кутубхонага тез-тез кириб турадиган бўлдим. Бундан ташқари,



интернет имкониятларидан кенг фойдаланишни ўргандим. Ҳар душанбани юрагим зириллаб кутсам ҳам, саволларга жиддий тайёрланардим.

Кўп ўқиб, кўп қизиққаним, изланишларим ўзимга ҳам асқотди. Гоҳо зерикарли туюлган касбимга энди бошқача қарай бошладим. Илмий ишларим, тажрибалар ҳақида шундай берилиб сўзлардим, болаларим гапларимга жон-жон деб кулоқ солишарди. Улар ҳам мактабнинг аълочилари қаторидан жой олишди.

Саволларга жавоб излаб, кутубхонанинг фаол аъзосига айландим. Бир сафар иккита саволга жавоб тополмай қийналдим ва "ҳийла" ишлатишга мажбур бўлдим. Битта саволни ўғлим номидан, иккинчисини қизим номидан "Заковат" телеуйинига юбордим. Заковатчилар саволларнинг мураккаблигини қайд этишиб, жавоб топишди. Бу жавоб болаларимни қониқтиргани сабаб, айбга буюришмади.

Мана шунақа гаплар. Болаларим сабаб кўп нарса ўқиб ўргандим, улар туфайли истеъдодим чархланди.

Раҳима ШОМАНСУРОВА



УМАР КАМОЛИДДИННИНГ ХИТОЙДАГИ ФАОЛИЯТИ

Милодий ўн иккинчи асрда мўғуллар ҳозирги Хитой ҳудудларида ҳукмронлик ўрнатишгандан кейин савдо-тижорат ва молия ишларида асосан мовароуннаҳрликлардан фойдаланишди. Чунки ўзлари бундай ишларга ўқувсиз эди. Улар кўпроқ савдогарлар тўлаган бож ва солиқлар ҳисобига хазиналарини тўлдиришарди. Шу боис мўғуллар мамлакатга таклиф қилинган ёки олиб келинган бухоролик ва самарқандликлар Хитой ерларида Ислом динини тарғиб қилишларига ҳалақит беришмади. Бухоролик Умар Камолиддин ибн Саид Шамсуддин ўрта асрлар Хитой маданий ҳаётида катта ўрин тутган олимлардан эди. Умар Камолиддин ва унинг авлодлари Хитойда Ислом дини равнақ топишида ва тунгон (дўнган) миллати шаклланишида катта хизмат қилишди.

Умар Камолиддин милодий 1121 йили Бухорода туғилди. У ёшлигидан илмга чанқоқ, ақл-идрокли, ғайратли эди, яхши таълим-тарбия олиб улғайди. 1219 йили мўғуллар Бухорога бостириб киришганида унинг бобоси Саид Шамсуддин бошлиқ шаҳар улуғлари кўп халқ қирилиб кетишининг олдини олиш мақсадида таслим бўлишди. Мовароуннаҳрга юриш якунланганидан сўнг мўғуллар Умар Камолиддин ва унинг ўғлини Хитойнинг шимолий вилоятларига олиб кетишди.

Билимдон ва ғайратли Умар мўғул улуғлари назарига тушиб қолди. Ҳали ёш бўлишига қарамай, уни Тайюан ва Пинянг вилоятларига ҳоким этиб тайинлашди. Вилоятларни бошқариш ва иқтисодий ишларни йўлга қўйишда у катта қобилияти ва маҳорати борлигини

кўрсатди. Шундан кейин Умар Камолиддинга Пекин вилоятининг маъмурий-ҳарбий ҳукмронлиги топширилди. Пойтахт ҳокими бўлиш билан бир пайтда Хитой ҳукмдори саройида амалдорларни қабул қилиш ва молия ишлари вазири ҳам этиб тайинланди. Кўп ўтмай Умар мамлакат вилоятларини назорат қилиш ва қишлоқ хўжалик ишлари вазири бўлди.

Тарихчи Янг Хуэй Чжунг ёзишича, Умар Камолиддин бир вақтнинг ўзида бир неча вазифани қийналмай уддалаб турган. Давлат вазифаларини сидқидилдан ва моҳирона бажаргани учун Фубийлай мукофотига ҳам сазовор бўлди. Шу тариқа Умар Камолиддин тўққиз йил ҳоким ва вазир бўлди. Шу давр ичида Шэнси ва Сичуан ўлкаларида мактаблар очди, ариқлар қаздириб, дашт-биёбонларни экинзор, боғларга айлантirdи. Тоғлар орасида яшовчиларга қулай бўлсин деб йўллар ўтказди, жарликлар устига осма кўприклар қурдирди.

Умар Камолиддин Юннан ўлкасига келгунча бу ерда бирорта мактаб йўқ, одамлар саводсиз эди. 1276 йили у Шанчан вилоятидаги Ухушан деган тоғли жойда мактаб қурдириб, ҳарajatларини қоплаш учун икки гектардан кўпроқ ер ҳам ажратиб берди. Мактабга Марказий Хитойдан ўқитувчиларни таклиф қилди. Сўнг Дали, Чушюн, Шючинда ҳам мактаблар очди. Бундан ташқари, бир қанча шаҳар-қишлоқларда шифохона ва дорихоналар ташкил этиб, камбағалларни текин даволашни йўлга қўйди. Юннанда биринчи расадхона қурди.

Бухоролик Умар Камолиддин Юннанда савдо ва хунармандчиликни, карвонлар қатнови-ни ривожлантиришга, йўллар ва карвонсаройлар қуришга алоҳида эътибор берди. Савдогарлар учун тўрт жойда бекат ва сарой барпо қилдирди. Натижада олдин бир-биридан узилиб қолган ўлкалар ўртасида савдо-алоқа ишлари бошланди. Бу эса ўлка иқтисоди ва маданияти гуллаб-яшнашига катта туртки бўлди.

Ҳоким Умар Юннанда Ислом дини тарғиботи ҳам эътибор берди. Кўп хитойликлар, мўғуллар мусулмон бўлишди. Умар Камолиддин бир неча масжид ва мадраса қурдирди. Маърифатпарвар ҳоким 1279 йили олтмиш тўққиз ёшида Кунминг шаҳрида вафот этди.

Умар Камолиддин авлодлари кейинчалик ҳам Хитой тарихида ўчмас из қолдиришди. Тунгон тарихчилари Бай Шоуйи ва Чин Хуэйбин





ёзишича, Умар Камолиддиннинг ўн бешинчи авлоди, атоқли олим Юсуф (яъни, Ма Жу Чин) улардан бири эди. 1640 йили туғилган Юсуф етти ёшида отасидан, ўн еттига кирганида онасидан етим қолади. Ўқитувчилик қилади. Йигирмага тўлганида билимларини чуқурлаштириш учун Хитойнинг Шандунг, Шэнси, Хубей, Сичуан, Гуандун, Фужян вилоятларидаги Ислом марказларига сафар қилиб, 1669 йили Пекинга келиб ўрнашади. Бу ерда у узоқ йиллар ижод қилиб, қирқ тўрт ёшида йирик "Ислом асослари" (Чингчжэн чжинан) асарини ёзади. Ун боб ёки юз минг сўздан иборат бу асарда Ислом тарихидан лавҳалар, Қуръони каримнинг айрим суралари тафсири, Ислом арконларини адо этиш тартиб-қоидалари, мантиқ ва фалакиёт маълумотлари ва турли ривоятлар жамланган. Бу асар қўлёзма ҳолида кўчирилиб, Хитойдаги барча ўқув юртларида ўқиб-ўрганиладиган бўлди. Асар, айниқса, Юсуфнинг ватани Юннанда катта эътибор топди.

Юсуф 1684 йили хотини Фотима, ўғиллари Шичи, Шишюн йўлдошлигида Пекиндан Хитой бўйлаб сафарга чиқади. Тўрт йил ичида мамлакатнинг Сзянгсу, Чжэсян шаҳарлари, Хитойнинг қадимги пойтахти Сиан (Чанъан)ни зиёрат қилиб, яна Пекинга қайтади. Сўнг умрининг охиригача "Ислом асослари" асари устидаги ишини давом эттирди. Юсуфнинг вафот этган йили аниқ эмас, Ислом тарихчилари етмиш бир ёшда оламдан ўтганини ёзишади.

Аблат Ҳўжаевнинг "Буюк ипак йўли" китоби асосида
Оқилжон Каримжон ўғли
ЖАББОРОВ
тайёрлади.

Зайд ибн Собитдан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади: "Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Аллоҳ таоло Қуръоннинг Ўзи нозил қилганидек ўқилишини яхши кўради", дедилар" (Ибн Ҳузайма ривояти).

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: "... ва **Қуръонни тартил билан ўқинг!**" (Муззаммил, 4).



ҚУРЪОННИ ТЎҒРИ ЎҚИШ

Ҳазрати Али (розийаллоҳу анҳу): "Тартил ҳарфларни жойидан чиқариш ва тўхташ ўринларини билишдир", деганлар.

"Фатавойи Қозихон"да араб ҳарфларини яхши талаффуз қилолмайдиган киши уни тўғрилаши шарт, бу ишда у узрли бўлиши мумкин эмас, дейилган. Демак, Қуръон ҳарфларини яхши талаффуз қилолмайдиганлар уни тажвид қоидаларига мос ўқишга муттасил ҳаракат қилишлари керак.

Қуръонни тажвид қоидаларига мувофиқ ўқиш фарздир. Қуръон ҳарфларини нотўғри талаффуз қилиш оят маъносини ўзгартириб юборади. Масалан, "Масад" сурасидаги «**ҳатоб**»ни «хатаб» деб ўқилса, маъно ўзгаради.

"Наср" сурасидаги "**насруллоҳ**" калимаси Аллоҳнинг ёрдами маъносида. Агар ундаги "сод" ҳарфини "син" қилиб ўқилса, бургут маъносини билдиради. Ёки "**ҳоликун**" яратувчи маъносида, уни биз "ҳоликун", деб ўқисак, сўзнинг маъноси сартарош дегани бўлади. Бундай хатолар сабаб ўқилган оят маъноси ўзгарса, намоз бузилиши ёки тоат-ибодатлар нуқсонли бўлиб қолиши мумкин.

Шунингдек, Қуръон шифо, уни ўқиган инсоннинг қалби хотиржам бўлади. Ҳаётда учрайдиган қийинчиликларни енгиб ўтиши осон кечади. Қуръон ўқилган уйдан шайтон, жинлар қочади ва Аллоҳ таолонинг раҳмат ва мағфирати ёғилади. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Қуръони каримни ўқиган инсон учун ҳар бир ҳарфига ўнтадан савоб борлигини айтганлар.

Оятларни тўғри, тажвид билан ўқиган бандани Қуръон қиёматда шафоат қилади. Ҳадисда айтилганидек, бандаларнинг амалларига ўндан етти юз бараваргача ажр-савоб берилади. Демак, Қуръони каримни қанчалик тўғри ва чиройли ўқисак, шунча кўп савобга эришамиз.

Зафар Аҳмад Таҳонавийнинг "Иълаус Сунан" китоби асосида Тошкент Ислом университети магистри
Улуғбек МИРСОДИҚОВ
тайёрлади.



МОХША – ПЕНЗА МУСУЛМОНЛАРИ ФАХРИ



Россиянинг Пенза вилояти Наровчат кўрғони (шу номи туман маркази) аҳолисининг анчагина қисмини мусулмонлар ташкил этади. Улар қачонлардир бу ерда обод шаҳар бўлганини яхши билишади. Шу боис ўзларини шаҳарлик ҳисоб-

лаб, "Қаерда яшайсиз?" деб сўрашса, фахр билан: "Шаҳарда яшаймиз", деб жавоб беришади. Сабаби бундан олти-етти аср илгари содир бўлган тарихий воқеаларга боғлиқдир.

Тарихий манбалар гувоҳлик беришича, милодий 1312 йили Ўзбек хон (Султон Муҳаммад) Ислон динини Олтин Ўрданинг давлат дини деб эълон қилади. У тахтга ўтирганидан сўнг саккиз йил Қипчоқ даштининг шимолий ҳудудларида яшади. Янги Сарой қурилиши битказилгунича Нурижон (ҳозирги Наровчат)га ўрнашди ва номини "Мохша" (эски форсий тилда "тезоқар дарё") деб атади.

Тез орада Мохша (русча манбаларда "Наровчатская Орда") Олтин Ўрданинг чинакам марказига айланди. Ўзбек Хон ҳукмронлик қилган йилларни тарихчилар Олтин Ўрданинг Осиё ва Оврупа мамлакатлари орасида ҳартомонлама об-

рўси ошган давр деб баҳолашлари бежиз эмас.

Наровчат тумани ҳудудида илк ўрта асрларга оид кўп меморий ёдгорликларнинг қолдиқлари, масжидлар, мақбараларнинг пойдеворлари топилган. "Шаҳарда, шунингдек, қарвонсаройлар, элчихона қароргоҳлари, тарашланган тош ва пишиқ ғиштдан қурилган ҳаммомлар бўлган. Ҳар бир ғиштга араб ёзувида алоҳида белги қўйилган", дейди Наровчат ўлкашунослик музейи директори Александр Сохряков.

Тўхта Хон вафотидан сўнг қумуш дирҳамлар, мис тангалар қуйиладиган зарбхона ҳам шу ерга кўчириб келинади. Олимлар шу пайтгача Мохшадан топилган қумуш ва мис тангаларни милодий 1313 йили зарб этилган деб таъкидлашарди. Яқинда эса 1309 йили зарб этилган динор топилди. Бундай топилмалар милодий XIV аср бошидаёқ, ҳатто ундан олдин ҳам Мохшада иқтисод, савдо-сотик ва ҳунармандчилик юксак ривожланганидан далолат беради. Топилган ҳар бир танга қадим тарихдан сўзлайди. Улардаги ёзувларни ўрганган мутахассислар Наровчатда топилган Жўжи Хон тангаларининг ярмидан кўпи Ўзбек Хон номи билан боғлиқ эканини аниқлашди.

"Ҳали совет давридаёқ Наровчатдан учта жоме масжидининг оқ тошдан терилган пойдевори топилган эди, – дейди Пенза вилояти муфтийининг биринчи ўринбосари Абдурауф Забуров. – Ўшанда бир мақбарани кавлаб, қабрларни ҳам очишган экан... Қазилмалар жараёнида қадимшунослар билан суҳбатлашган мордовалик, татаристонлик мусулмонлар менга шу ҳақда гувоҳлик беришди. Келгусида Мохша тарихига қизиқиш янада ортади. Кун келиб, бу жойлардан зиёратчилар, саёҳатчилар қадами узилмайдиган бўлиб қолишига ишонаман, – дейди у.

Александр БАХМУТОВ

Обуна – 2011

Муҳтарам ўқувчилар!

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг нашрлари – "Ҳидоят" журнали ва "Ислон нури" газетасига, уларнинг қорақалпоқча иловалари – "Ҳидоят", "Ислам нури"га 2011 йил учун обуна давом этмоқда. Республикамизнинг барча алоқа бўлимларида ва ўзингизга яқин масжидларда обуна бўлишингиз мумкин.

Нашр кўрсаткичлари: "Ҳидоят" – 1034, 1051; қорақалпоқча илова – 1035; "Ислон нури" (қорақалпоқча илова) – 195.